

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

O'zbekiston kasaba uyushmalari
Federatsiyasi gazetasi

<http://www.ishonch-doverie.uz>

2013-yil 10-yanvar, payshanba № 4-5 (3198)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

14 ЯНВАР — ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Қалъамиз мустаҳкам, қалқонимиз бор

Мендан сўрасалар: недан юртингизда бунча осойиш, кунда тадбир, ўйин-кулгу, тўй-томоша? Одамларнинг лабиди табассум, ханда, тўйхонадан таралар куйнаво, ялла? Айтаман: Ватанни қорачикдек асрагувчи ўғлонлари бор. Она дийр учун қилар кўксини қалқон. Сергак бўлар, зийрак турар ҳар бир он. Эл фахр этади улардан чандон.

Эл фахр этади

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик, чегараларимиз дахлсизлиги маълум маънода ҳарбийлар матонати, бардошидан эмасми асли? Билсанг, улар довурак Темурунинг насли. Садоқат, мардликни улуғлар улар, юртни қўриқлашга онт ичган шулар. Ёмон назар солса, бегона, биров. Қўрғонига бўйламоқ бўлса номард ёв. Ҳимояга отилиб чиқади дарров. Кўйиб бўлса ҳамки жонини гаров.

(Давоми 2-саҳифада).



«Бронжилетнинг тагида ҳам юрак бор...»



Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси

Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори фуқаролик жамияти сари қўйилган муҳим қадамдир. Чунки демократик мамлакатда ҳар бир соҳа жамоатчилик назоратидан, халқ назаридан четда қолиши мумкин эмас.

Жамоатчилик кенгашига фаол ва кенг қамровли фаолият юритиши учун катта ваколат берилган. Жумладан, давлат идоралари ва бошқа турдаги ташкилотлар билан расман ҳамкорлик юритиш, заруратга кўра мутахассисларни жалб этиш, конференциялар, ёшлар форумлари, семинарлар, давра суҳбатлари, мониторинг кузатишлари ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда Кенгаш таркиби, уларнинг қанча муддат фаолият олиб бориши ва тасдиқланиши тартиби ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз лозим. Жамоатчилик кенгашининг Республика фуқароларидан иборат номма-

ном таркиби Мудофаа вазирлигининг тақдимномасига асосан Президентимиз томонидан ҳар уч йилда тасдиқланади. Кенгашнинг фаолияти эса Жамоатчилик кенгаши раиси томонидан тасдиқланган иш тартибига кўра йўлга қўйилади. Яъни, Низомда кўзда тутилганидек, муҳим йўналишлар бўйича бешта комиссия тузилиб, тегишли равишда таркиби тасдиқланади.

Юртбошимизнинг Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмда бўлган учрашувларнинг бирида аскарнинг ҳам ўз шахсий ҳаёти, туйғулари бор, мана шуларга ҳам аҳамият беринглари. Булардаям кўнгил, бронжилетнинг тагида юрак бор, деган гаплари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Кенгашнинг тузилиши демократик жараённинг бир кўриниши, десак янглишмаган бўлаемиз. Унинг асосий вазифаси армия устидан жамоатчилик назоратидир. Гарчи армия ичи ёпиқ жараён бўлса-да, у ерда ҳам инсонлар хизмат қилади. Уларнинг ҳам дарду ҳасратлари, ички ҳолати, дунёқараш бор. Бир сўз билан айтганда, уларнинг кўлида қурол-у, юрагида нима бор? Кенгаш мана шу масалаларда халқ билан мудофаанинг ўртасидаги бир воситадир.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Кенгашда бўлинма ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, қонун устуворлиги, ҳуқуқий тартиб, юксак

ахлоқ ва маданият сақланиши таъминлашда Вазирлик томонидан олиб борилаётган фаолиятга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шунингдек, қақирувга тайёрланаётган ўспиринлар ва ҳарбий хизматчилар билан тарбиявий, маънавий-маърифий тайёргарлик олиб борилишини ташкиллаштириш, уларнинг фикр-мулоҳазалари, атрофда рўй бераётган ҳодисаларга шахсан дахлдорлик ҳисси, фаол ҳаётий позициялари, ватанпарварлик, Ватан тақдири, унинг мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим масалаларга доир ишлар режасини ишлаб чиқиб, муайян тизим асосида фаолият олиб борилади. Бунда юртдошларимизнинг талаб ва истаклари, тақлиф-мулоҳазаларига асосий эътибор қаратилади. Яқин орада Кенгашнинг махсус сайти ишга тушади ва унда жамоатчилик фикрига кенг ўрин берилади.

Шахсан мен ҳарбий қисмларнинг кутубхоналарига ҳам

эътибор қаратиш лозим деб ўйлайман. Профессional армияга профессионал матбуот хизмат қилиши керак. Уларга берилган китоблар, айниқса, бадиий адабиётларнинг савияси қай даражада, улар қайси асосда танлаб олинаётганлиги ҳам муҳимдир.

Кўриниб турибдики, аскарларнинг руҳий, маънавий дунёсини бойитиш, яшаш шариоитидан тортиб, тинглаётган мусиқасигача ўрганиб таҳлил қилиш, соҳадаги айрим камчиликлар юзасидан Мудофаа вазирлигини, жамоатчиликни огоҳ қилиш ва унинг ечимини топишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, қақирув комиссиялари ҳудудларда масъул шахслар билан биргалликда тушунтириш ишлари, ўқув-семинарлари ташкил этиш, эҳтимоли бўлган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилади.

(Давоми 3-саҳифада).



Ўғлонлар

Ҳар бирингиз — халқнинг ботир ўғлони, Мардликда тенги йўқ — марди-майдони. Нигоҳлари ўткир — шеру сиртлони, Сизлар — обод юртининг содиқ посбони! Ватан куч-қудрати, метин қалқони!

Файратингиз жўшар — тошқин булоқдай, Жасур йигитларсиз, гурури тоғдай, Ёвга даҳшат солгай гуё чақмоқдай, Сизлар бор — мусаффо Ватан осмони! Хушвақт ўтар юртдошларим ҳар они!

Кулсин дея шу заминнинг иқболи, Ҳар он ҳушёр, сезгир қирғий мисоли, Сарҳад ҳимояси фикру хаёли, Яшнаб ҳур диёрим чўлу-бўстони! Келди жўшқин меҳнат — ижод замони!

Кўкда порлар мустақиллик кўёши, Обод юртга сарбон — доно Юртбоши, Қасамига содиқ, метин бардоши — Келажаги буюк юртининг посбони! Сизлар элнинг фахри, шавкату шони!

Омон бўлингизлар жасур ўғлонлар, Мард ва қалби олов марди-мийдонлар, Яшнаверсин юртим, бўлиб бўстонлар, Сизлар — обод юртининг содиқ посбони! Ватан куч-қудрати, метин қалқони!

Эшнӣз БУРҲОНОВ, Кашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 34-умумтаълим мактаби касаба уюшма кўмитаси раиси

Қалъамиз мустаҳкам,

Эл фахр этади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Эътибор берсак, ўзбек хонадониди ўғил фарзанд дунёга келса, ота-она қалби чўнг гурурга тўлади. Суянчим, тоғим, издошим, давомчим туғилди, дейди. Юрт ҳам асл ўғлонларига суянади. Ватан ҳимоячиси тимсолида кўз олдимизда гавдаланадиган ҳарбийларга ўзгача ҳавас, меҳр билан қарашимиз рост. Хушсурат, хушкелбат, либослари эгнига ярашиб турган бу йигитлар сарҳадларимиз, Ватанимиз, демакки, ҳар биримизнинг ҳаётимиз, тинчлигимиз, ор-у номусимиз посбонидир. Ҳарбийлар бошқалардан нимаси билан фарқ қилар экан-а? Мардлиги, жасурлиги, ўқтаму кўркамлиги, оғирбосиқ, жиддийлиги, бир сўз билан айтганда, жисмонан ва руҳан бақувватлиги билан эмасми? Зеро, вужуднинг тобланиши руҳиятнинг юксалишига замин яратади. Ҳазрат Навоий Фарҳод тимсолида комил инсон образини гавдалантирар экан, унинг нафақат ақлан, балки жисмонан ҳам камолотга етганлигига урғу беради. Фарҳод 10 ёшга кирганда, у эгалламаган илм қолмайди. Шундан сўнг у ҳарбни ўрганишни майл қилади. Қиличбозлик, камончилик, чавандозликда унга теңг келадигани бўлмайди. Демак, инсон камолотида жисмоний етуклик ҳам катта аҳамиятга эга экан.

Бугунги миллий армиямизга бир назар солинг-а! Кушнинг икки қаноти мисол ҳам маънавий, ҳам жисмоний етуклик зарурати шир қилиб олинган. Истиқлолга эришиб, хурлик шамоллари эсгач, ўзимизнинг миллий армиямизни шакллантириш ўта долзарб ва муҳим масалага айланди. Бунинг учун, аввало, миллий армия, ҳарбий хизматга бўлган халқимизнинг муносабатини

ўзгартириш лозим эди. Хотираларга қулоқ солсак, илгари йигитлар ҳарбий хизмат давомида турли узоқ ўлкаларнинг ўрмонларида, қурилиш майдонларида ишлаган экан. Бугунгидай жанговар ва ўқув машғулотлари қаёқда дейсиз!? Ҳарбий хизматни мажбурият учунгина ўтаган йигитлар икки йиллик умрини «кун ўтар»га ўтказган. Ўша пайтлар қандай қилиб армиядан қолсам экан, деган ўйлар ҳам бўлган.

Бугун-чи?! Ўзбекистон замонавий, ихчам ва кучли миллий армиясига эга бўлди. Сўнгги таълим жиҳозлари, тренажёр мажмуалар, замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминланган армия сафида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун Ватан олдидаги бурч, шон-шараф ишига айланди. Ҳарбий бўлишни орзу қилувчилар оз эмас. Бугун йигит борки, ҳарбий хизматга борсам, йигитлик бурчини адо этсам, дейди. Қабул синовларидан ўтиш учун олдиндан тайёргарлик кўради, ўзини чиниқтиради. Ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитларнинг гап-сўзи, юриш-туриши, ўй-фикрларига эътибор қилинг-а! Ҳақиқий маънодаги аскарлик ҳаёти билан юзлашган, Ватан не, ватанпарварлик туйғуси нима эканлигини англаган бу йигитлар ҳаётга теран қарайди. Нафақат жисмонан, балки маънан, руҳан балоғатга етганини ҳис қилади. Юртбошимиз айтганларидек: «Армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги билан эмас, балки сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она-Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади».

Таъкидлаш жоизки, миллий армиямизни ислоҳ этиш ва мустаҳкамлаш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилди. Жараён давом этмоқда. Ўқиш машғулотларининг жанговар вазиятга мумкин қадар яқинлаштирилган ҳолда олиб борилиши, ҳарбий бўлинмалардаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлаштирилганлиги, тарбиявий ишлар тизими такомиллашгани, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар учун қатор имтиёзлар жорий этилиши каби ўнлаб мисоллар фикримиз исботидир.

Энг муҳими, юртдошларимизнинг миллий армия ва Қуролли Кучларга бўлган муносабати ўзгарди. Ишончи ва меҳри ортди. Ҳақиқатан, ҳарбий хизматни ўтаб келган йигит хонадониди ўзгача қувонч ва гурурга тўлади. У билан нафақат оиласи, балки бутун маҳалласи, қишлоғи фахрланади. Укаларини акам армияга борди, деб шапкаларини кийиб юради, сингиллари ҳарбий кийимларини дазмоллаб, уй тўрига илиб кўяди. Оила бошлари қаддини тик тутиб, энг гўзал қизларнинг уйига совчиликка боради. Қиз томон ҳам ҳарбий хизматда тобланган, тарбияланган, элу юрт ишончини оқлаган мард йигитга қиз беришдан мамнун, кўнгиллари хотиржам.

Мана шундай ўғлонлар элнинг ишончи, суянч тоғидир. Қизлар ҳавас-ла боққан ўқтам, барваста. Машаққатли меҳнати — муқаддас бурчдир. Жону тани шу юрт ила пайваста. Ватанпарварликда бўлурлар ибрат, шу сабаб ҳаётимиз роҳат, фароғат. Яқинлаша олмас ганимлар зинҳор, қалъамиз мустаҳкам, қалқонимиз бор.

Шоҳсанам НИЁЗОВА

...Тонг. Қоронғулик аста-секин чекиниб, борлиқни ёруғлик қопламоқда. Кўкда қора булутлар тўдаси. Майин эсаётган изғирин шабада баданни жунжиқтириб, ёмғир ҳидини димоққа уради. Атроф сокин. Ҳаво шунчалар шаффофки, нафас олганинг сари руҳинг енгил тортади. Ана, чўққиларини оппоқ қор қоплаган тоғлардан пастда, узоқда қўйларнинг маъраши эшитилди. От устида ўтирган чўпон сурувини кенг дала сари бошламоқда. У ҳар-ҳар замонда осмонга қараб кўяди. Ёмғир ёғишидан хавотирга тушаётган бўлса керак.

Оддий аскар Файбулла Бобожонов ҳам «тушдан кейин ёмғир ёғса керак», дея кўнгилдан ўтказди. У айни дамда чегара наряди вазифасини ўтамоқда. Бу жанговар вазифанинг қанчалик масъулиятли эканлигини у яхши англайди. Шу боис белгиланган ҳудудни ўта ҳушёрлик ва сергаклик билан кўздан кечириб, ҳеч нимани назардан четда қолдирмасликка интиляпти. Ундан сал олдинда кетаётган кичик сержант Ваҳобжон Яғмуров эса белгиланган вақтларда алоқа воситаси орқали пост бошлиғига кузатиш ҳолатлар юзасидан ахборот бериб борапти.

Оддий аскар Бобожонов унинг ҳаракатларини кузатар экан, йигитнинг шижоати, мардлиги ва билимдонлигига ҳар сафар қойил қоларди. У кичик сержант Яғмуровни ўзига устоз деб билади. Ундан кўп нарсаларни ўрганаётганидан мамнун. Кичик командир хизмати мобайнида кўплаб ютуқларни қўлга киритган. Айниқса, спорт соҳасида эришган ютуқлари ҳавас қилса арзигулик. Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, соҳаси бўйича тажрибасини янада бойитган кичик командир енгил атлетика бўйича чегара қўшинлари миқёсида ўтказилган қатор спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, бир неча бор шоҳсупанинг юқорисига кўтарилган. У 100 ва 3 минг метр масофага югуриш бўйича 3 та олтин медал соҳиби. Сўнгги мусобақада ҳам 100 метрни

10.55 секунд, 3 минг метрни эса 11.40 дақиқада босиб ўтиб, яхши натижа қайд этди.

— Спорт билан ёшлигимдан шуғулланаман, — дейди кичик командир. — Бу эса хизмат мобайнида кўп ёрдам бераёпти. Армияда жисмоний тайёргарлигим янада ортди. Чегарачи эканлигимдан ҳар он фахрланаман. Ўқиб-изланиш, билим ва тажрибани ошириб бориш ютуқлар гарови эканлигини унутмайман. Қўл остимдаги аскарларга ҳам доимо ўқиб-изланишларини таъкидлайман.

Оддий аскар Бобожонов ҳам кичик сержант Яғмуров каби шартнома асосида хизмат қилишни дилига туккан. Ҳудудни кўздан кечирар экан, у бир неча изларни аниқлади. Дарҳол кичик командирга бу ҳақда ахборот берди. Кичик сержант Яғмуров изларни текширар экан, бу ёввойи ҳайвонларнинг

Тоғларга қиш

ёхуд чегарачилар



изи эканлигини айтди. Шундай бўлса-да, у оддий аскар Бобожоновни ҳар дақиқа ҳозиргидай сергак ва ҳушёр бўлишга чорлаб, янада руҳлантирди.

— Муддатли ҳарбий хизмат мени ҳар томонлама тоблаб, чиниқтириб бормоқда, — дейди оддий аскар Бобожонов. — Энг асосийси,

Қалқонимиз бор

...Жанговар топшириқни муваффақиятли бажарган вертолёт учувчиси ҳарбий қисм томон қайтар экан, бошқарув панелидаги мосламаларга назар ташлади. Баланглик 4200 метр, тезлик соатига 200 километр. Шу пайт учиш аппарати двигателларидан бирида носозлик пайдо бўлди-ю, у бутунлай ўчди. Бунинг устига шамол, ёғингарчилик кўшимча ноқулайликлар туғдирмоқда. Зудлик билан иккинчи двигателни максимал иш режимига ўтказиш орқали кескин ҳолатдан чиқилди, вертолётдаги кучли силтанишлар йўқолди. Муҳими, учувчи вазиятни тўғри баҳолай олди ва шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳаракатланишда хатога йўл қўймагани боис, парвоз кўнгилдагидек кечди.



Замонавий технологиялар ҳарбий учувчиларни тайёрлашга хизмат қилаётир

Юқоридаги жараёни биз ҳам кузатдик. Хавф-хатарни ҳис этдик. Ўта кескин вазиятда биргина нарса кўнглимизга таскин берди — яхшиямки буларнинг бари замонавий вертолёт тренажери мажмуасида рўй бермоқда. Учиш жараёнини ўта аниқлик билан акс эттирувчи ушбу қурилма ҳақиқий парвоздан учмаслиги билан фарқ қилади, холос. Айрим ўқувчиларимиз бундай қиёслашни муболағга йўйиши ҳам мумкин. Тўғриси, биз ҳам мазкур тренажёр ҳақида эшитганимизда, озгина бўлса-да шубҳа билан ҳарбий қисмга йўл олгандик. Аммо кўрганларимиз иккиланишлардан бутунлай фориг этди.

Ўқитувчилар жалб этилди. Вертолёт авиацияси таркибида хизмат қилаётган мутахассислар малакасини узлуксиз ошириш, уларга соҳадаги илғор тажрибаларни етказиш ишлари ҳам режали равишда амалга оширилмоқда. Гувоҳи бўлганим — вертолёт тренажерида бажарилган машқда бирданга двигателнинг ишдан чиқиши ёки ноқулай об-ҳаво сунъий равишда пайдо қилинган фавқуллодда вазиятдир. Яъни, машғулот давомида учувчининг турли шароитларда ҳаракатланиш кўникмаларини айнан шундай тарзда шакллантириб борамиз. Масалан, электротизим, гидротизим, ёқилги ёки бошқарув тизимининг, вертолёт дум қисмидаги парракнинг ишдан чиқиши шулар жумласидандир. Маълумки, қуруқликдаги кўшинлар вертолёт авиацияси ҳаводан душманнинг авиация ва қуруқликдаги кўшинларини яксон қилиш, бошқа кўшин турларини авиацион жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда кўшин ва моддий воситаларни ташиш каби муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Айниқса, ҳаракатланиш ноқулай бўлган ҳудудларда ярадорлар ва жароҳат олганларни эвакуация қилишда вертолёт-

дан қулайроқ техника воситаси йўқ. Шу боис ҳарбий авиация мутахассисларининг билим ва кўникмаларини доимий равишда ошириб бориш, турли ўқув машғулотларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

— Замонавий вертолёт тренажери мажмуаси бошланғич ва даврий парвозларни амалга ошириш, бир турдаги учиш аппаратидан иккинчисига ихтисослашиш, учиш ишида доимий амалиётни таъминлаш, учиш ва ҳудудда ориентир олиш кўникмаларини шакллантириш, учиш пайтидаги фавқуллодда ҳолатларга тайёргарлик кўриш, экипажнинг учиш олди ҳаракатларини кузатиш, вертолёт ускуналари билан ишлаш кўникмаларини ошириш кабилар учун хизмат қилади, — дейди сержант Зафар Холмирзаев.

— Учувчилар самолёт каби парвоз қилиш, учиш тартиблари, бурилиш ва қайрилиш, турли шароитларда кўниш, маршрут ва мосламалар бўйича учиш сингари машқларни бажаради. Компютерлаштирилган экран орқали учувчи ўзини вертолётни бошқараётгандек, белгиланган нишонни мўлжалга олаётган ва ўқ узаётгандек сезади. Мутахассиснинг барча ҳара-

катлари парвозларни бошқарув пункти кузатув хонасида назорат қилиб борилади ҳамда машғулот якунида хатокамчиликлар муҳокама этилади.

— Вертолётни тўғри бошқариш, жанговар вазифа ва топшириқларни сифатли бажариш кўникма ва тажрибаларни оширишда, айниқса, биз — ёш ҳарбий учувчилар учун бундай тренажёрдан фойдаланиш жуда муҳим, — дейди лейтенант Тоҳир Бурҳонов. — Учувчилик сир-асрорларини пухта ўрганиш, профессионаллик чўққиларининг забт этилишига хизмат қилувчи замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилиши барчамизнинг катта ютуғимиздир.

Ҳамкорликдаги операцияларга жалб этиладиган кўшин турлари қаторида вертолёт-ҳужум бўлинмалари иштирокида турли модел ҳамда вариантларни амалда қўллаш барча ўқув машғулотларининг муҳим таркибий қисмига айланиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Демак, ўз навбатида Қуруқликдаги кўшинлар вертолёт авиацияси мутахассисларининг малака ва тажрибасини ошириш, билим ва амалий кўникмаларини шакллантириш устувор вазифаларни бажариш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар сирасига киради.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
майор

муддатли ҳарбий хизмат қалқонимизда шарафли касбга ҳавас уйғотди. Бунда кичик сержант Яғмуровнинг ҳам хизматлари катта. У келажакда шартнома асосида хизматда қолиш истагимни билгач, мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, машғулотларда янада пухта сабоқ олишимга яқиндан ёрдам бериб келяп-



Эрта келади

хузурида

ти. Аини дамда машғулотларда фаол иштирок этиб, жанговар вазифани бажариш, чегара ҳудудларини кузатиш, чегарабузарларни қўлга олиш ва изларни аниқлаш бўйича пухта билим олишга интилаяпман.

— Кичик сержант Ваҳоб Яғмуров ва оддий аскар Файбулла Бобожонов чегара нарядини муваффақиятли ўтаб келаётган ҳарбий хизматчиларимиздан, — дейди чегара пост бошлиғи офицер Абдулла Ктубаев. — Улар на-

фақат жанговар вазифаларни бажариш, балки барча мутахассисликлар бўйича илғорлар сафида. Кичик сержант Яғмуров чегара нарядини ташкиллаштириш ва ўташ бўйича катта тажрибага эга. Шу боис унинг қўл остидаги ҳарбий хизматчилар ҳам вазифаларини муносиб ўтаб келишяпти. Оддий аскар Бобожонов эса ҳарбий топография бўйича сафдошларига намуна.

Бизга ҳамроҳ бўлган офицер билан ортага қайтар эканмиз, майдалаб ёмғир ёға бошлади. Ким билсин, қорга айланиши ҳам мумкин. Хавотиримни сезган йўлдо-

шимиз изох беради: «Ҳарбий хизматчиларимиз кечаю кундуз, қишин-ёзин бирдек чегара хизматини ўташади. Бунинг учун эса улар барча керакли воситалар, ёмғир-қордан ҳимояланувчи кийимлар билан таъминланган». Хайдовчи эса «тоғларга қиш эрта келади», деб иситгични ёқади.

Ҳа, тоғларга қиш эрта келиб, кеч кетади. Шунинг учун ҳам Ватан сарҳадларини кўз қорачиғидай кўриқлаётган чегарачиларга қарата «Отангизга раҳмат, азаматлар!» дегим келади.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
лейтенант

«Бронжилетнинг тагида ҳам юрак бор...»

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шу кунгача Кенгашимиз аъзолари ҳарбий қисмлар, билим юртларида юзга яқин учрашув ва суҳбатлар ўтказишди. Ҳарбийларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, бу ҳаракат нечоғли зарур эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Бу албатта, аъзоларимизнинг ишончига ишонч, ғайратига ғайрат қўшиши табиий. Бир сўз билан айтганда, шу юртда туғилиб, вояга етган ҳар бир одам Ватан учун, шу азиз тупроқ учун имкон қадар кўпроқ меҳнат қилиб, ўзидан муносиб из қолдириши шарт.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч. Бу жабҳада ҳаммамиз масъулмиз. Имкониётдан фойдаланиб «Ishonch» газетаси орқали ҳарбий хизматчиларни ва барча юртдошларимизни қутлуғ айём — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллиги билан қутлаб, энг эзгу тилаklarимни йўллаб қоламан.

Аскар мактуби

Салом, она, онажонгинам!
Яна сизга ёзмақдан хат.
Саломатми азиз отам ҳам,
Укаларим юргандир хушбахт!

Бошим узра юлдуз чарогон,
Чегарада турибман сергак.
Юрт бўлсин деб тинч ва фаровон,
Доним бедор уради юрак.

Аскар бўлиб улғайдим бугун,
Она-Ватан надир, англадим.
Жоним фидо элу юрт учун,
Мард йигитлар йўлини ташладим.

Онажоним, онажонгинам,
Сизга меҳрим тилагимда жам.
Қутлуғ бўлсин, муборак бўлсин,
Энг улуг ва энг азиз байрам!

Хайр, она, хайр, онажон,
Доним тинч бўлсин кўнглингиз
Ва бахтинга бўлинг соғ-омон!
Салом билан аскар ўглингиз!

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг V мажлисида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда кечаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳам ўз ўрни ва сўзи бор. Хусусан, вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун тузилган минтақавий келишув фаолиятимизда жуда қўл келаяпти. Бевосита ҳамкорлик самарадорликни ошираяпти.

Ҳамкорлик

Бугунги кунда вилоят миқёсида битта минтақавий ва 17 та ҳудудий-тармоқ, туманлар миқёсида 28 та ҳудудий-тармоқ келишувлари, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда 9858 та жамоа-шартномалари амал қилиб келмоқда. Касаба уюшма аъзолари меҳнатдан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 99,8 фоизи шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, корхоналарда «Устоз-шогирд» тизимини йўлга қўйиш орқали муайян натижаларга эришилди. 2012 йилда 2487 нафар амалиётчи ўқувчига 20 фоизлик ва 711 нафар коллеж битирувчисига 50 фоизлик, жами 56 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари, амалиёт ўтаётган ўқувчилар ва янги ишга қабул қилинган битирувчилар корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқнома билан таништирилиб, махсус кийим-бош ва пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари ҳамда даволаш-профилактика озик-овқатлари

билан таъминлаб келинмоқда. Шунингдек, касаба уюшмаларининг иш ўринлари кўнимлилиги бўйича жамоатчилик назорати кучайтирилиб, 2011-2012 ўқув йилида вилоятдаги мавжуд 125 та касб-ҳунар коллежини тугаллаган 42139 нафар битирувчидан 36538 нафарининг 6176 та манзилли корхонада бандлиги таъминланди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган 1337 нафар ёш онага 190 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартиришга 63,6 млн. сўм сарфланди. Кўп болали ва кам таъминланган оилаларга мансуб 80 нафар аёл касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда даволанди ва бунинг учун 40,7 млн. сўм ажратилди. 3001 нафар хотин-қиз саёҳатга олиб борилди, бунга касаба уюшма маблагидан 155,4 млн. сўм йўнал-

тирилди. Умуман олганда, ёлғиз кексалар, кўп болали эҳтиёжманд оилалар, ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилди.

Кези келганда, ўтган йилнинг 11 ойида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига 895 нафар фуқародан келиб тушган оғзаки ва ёзма мурожаатдан 624 таси ижобий ҳал этилганлигини таъкидлашни истардим. Қолган шикоят-аризалар тегишли мутасадди ташкилотларга юборилди. Шунингдек, бирлашманинг «Ишонч телефони»га қилинган 131 мурожаатдан 122 тасига амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари асосида маслаҳат берилди.

Бундан буён ҳам барча соҳаларда фаолиятни кучайтирган ҳолда бошланғич ташкилотларга меҳнаткашларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш масалаларида амалий ва услубий ёрдам кўрсатишни янада кучайтириш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Эсон РАЖАБОВ,
Қашқадарё вилоят
касаба уюшма
ташкилотлари
бирлашмаси кенгаши
раиси

Сарҳисоб

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 2012 йилдаги фаолиятига бағишлаган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи қарорлари асосида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Қайд этиш керакки, вилоят бирлашмаси йил давомида туман кенгашилари, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунавий тарзда олиб борилишини ташкил этишга алоҳида аҳамият берди. Боёвут туманида вилоят бирлашмаси бўлим мудирлари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди. Унда тегишли мутахассислар томонидан бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳужжатларни юритиш ва фаолиятни ташкил этиш юзасидан тушунчалар берилди.

Касаба уюшма фаолиятини янада кенгайтириш ҳам диққат марказида бўлди. 80 та корхона ва ташкилотда бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилиб, 1190 нафар ишчи-ходим ҳимояга олинди.

Меҳнат кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда ходимларга меҳнат дафтарчаларини юритиш ва уларни янги намунадаги меҳнат дафтарчалари билан таъминлаш аҳволини назорат қилиш мақсадида 50 та иш берувчига ёрдам кўрсатилди. Бу борада ҳамкорликда қонунбузилишларнинг олдини олиш чоралари кўрилди. Жамоа келишувларида меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ходимларнинг иш ва дам олиш вақти масалаларига эътибор кучайтирилиб, узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллари жорий этилди.

«Устоз-шогирд» тизими бўйича ҳам ишлар изчил амалга оширилди. Жумладан, энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида 611 нафар ва 50 фоизи миқдорида 22 нафар коллеж ўқувчиларига касаба уюшма маблағи ҳисобидан 9,3 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Оилада маънавий соғлом ва етук фарзанд тарбиясига ҳисса қўшиш мақсадида 687 та бошланғич касаба уюшма ташкилотига ёшлар орасида жиноятчилик, безорилик, ичкилик ва гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий ва ҳуқуқий мавзуларда тадбирлар ўтди.

Шунингдек, аъзоларни соғломлаштириш, дам олдириш, улар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этиш бўйича қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Йиғилишда, шунингдек, бир қатор ташкилий масалалар кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Галдаги режалар хусусида ҳам келишиб олинди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Касаба уюшмаларининг мақоми ортиб, меҳнаткашларнинг чинакам ҳимоячисига айланётгани, соҳа ходимларига куч-гайрат бағишлаётир.

Ижобий ўзгаришлар

Яқунланган йилда аъзоларимиз 5723 нафарга етди. 55 та бошланғич ташкилотнинг деярли ҳар бирида бўлиб, мавжуд имконият, иш берувчи ва касабакўм ўртасидаги ҳамжихатликни ўрганишга ҳаракат қилдик. Қувонарлиси, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида фаолиятда ижобий ўзгаришлар кузатилаётир. Тумандаги 1-, 9-, 15-, 21-умумтаълим мактаблари ҳамда тасарруфимиздаги коллежларда касаба уюшма ташкилотлари иши намунали йўлга қўйилган. Маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Навбахор тонги» газетаси тахририяти бошланғич ташкилотлари фаолиятини ҳам ижобий баҳолаш мумкин. Қуйи бўғиндаги етакчилар кенгашимизга янги таклиф ва ташаббуслар билан келиб туришади. Турли байрам ва саналар муносабати билан қизиқарли тадбирлар уюштирилаяпти. 200 нафар ходим Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларига саёҳат қилиб қайтишди.

Жорий йилда ҳам режаларимиз катта бўлиб, аъзоларимиз доимо эътиборда бўлади.

Раъно ИСМАТОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари
касаба уюшмаси
Навбахор туман кенгаши раиси



Фаровонлик асоси

Қарши шаҳрида яшовчи Тошмирза ака Йўлдошев Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг доценти. Хонадон бекаси Фазилат опа эса Қарши шаҳридаги 11-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Улар фаровон турмуш асосини ҳалол меҳнатда, деб билади. Уч ўғил олий маълумотли. Уч келин ҳам педагог.

Тошмирза ака педагогик ишидан ташқари дехқончиликка қизиқади. Бу қизиқиш уни олти сотих майдонда

иссиқхона ташкил этишга ундади. Шу боис оила аъзолари бўш вақтини иссиқхонада, лимон, помидор ва бодринг парвариш билан ўтказаётир. Бу эса оилага ҳар йили камида 10-15 миллион сўм қўшимча даромад олиш имконини бермоқда.

Суратда: (чапдан) Т. Йўлдошев турмуш ўртоғи Ф. Эргашева, ўғли Нуриддин, келини Ҳилола ва набираси Моҳинур билан.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

□ Ёшлар кенгаши фаолиятдан

Қарши Давлат университетида иш берувчи билан ходимлар ва талабалар касабаси уюшма кўмиталари ўртасида 2011-2013 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси орқали талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоялаш юзасидан бир мунча ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Фаоллик

Ўтган йил ҳолатида университет талабалари касабаси уюшма кўмитаси таркибий тузилмасида фаолият кўрсатаётган 8 факултет ва магистратура бўлими цех касабаси уюшма ташкилотлари 5299 нафар аъзони бирлаштирган. Барча цех касабаси уюшма ташкилотлари касабаси уюшмаси фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар, йўриқнома ва услубий кўрсатмалар билан вақтида таъминлаб борилаётди.

Университетда таҳсил олаётган талабаларнинг юқори савияда билим олиши учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Жумладан, АРМ янги турдаги адабиётлар билан тўлиқ таъминланган. АТМда деярли барча компютерлар интернет тармоғига уланган, магистрантлар ҳамда талабаларни ижтимоий-иқти-

ва бошқа вилоятлардан келиб ўқийдиган талабалар учун университетда 4 та талабалар турар-жойи мавжуд. Улар тўлиқ замонавий юмшоқ мебел ва жиҳозлар билан таъминланган.

Талабаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоялаш мақсадида университет маъмурияти ва талабалар касабаси уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда Низом талабаларидан келиб чиқиб, талабалар турар-жойининг тўлов қиймати бир ўқув йили учун 135000 сўм миқдоридан белгиланган.

Боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтисодий эҳтиёжмандлар талабаларни жойлаштириш комиссиясининг ҳулосасига асосан 50 фоиз-

содий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг ўқиши, яшаши, дарс тайёрлаш ҳамда дам олиши учун етарли қулайлик яратилган. Бу борада амалга оширилаётган ишлар жамоа шартномаси орқали назорат қилиб келинади.

Узоқ туманлар

лик имтиёзга эга, чин етим ва ногирон талабалар эса 100 фоизлик имтиёздан фойдаланмоқда.

Жамоа шартномасига асосан иқтисодий эҳтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногирон талабалар манфаатига қаратилган кўпгина хайрли ишлар қилинди. Жумладан, университет маблағи ҳисобидан 43 нафар талабага 7 млн. 46 минг сўм, 12 нафар етим талабага 3 млн. 730 минг сўм миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилди. Ўқув жараёнида ижобий ютуқларга эришган ва жамоат ишларида фаол иштирок этган 30 нафар талаба 900000 сўм миқдоридан мукофотланди. Университетда кўзи ожиз талабалар 28 нафар бўлиб, айни вақтда улар 50 фоиз устама билан стипендия олмақда.

Талабаларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида маъмурият ва талабалар касабаси уюшма кўмитаси ҳамда университет талабалар спорт клуби ҳамкорлигида мунтазам равишда спорт мусобақалари ўтказилиб, иштирокчилар университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб келинмоқда.

Талабаларнинг бўш вақтини самарали ўтказишга ҳам катта эътибор қаратилаётди. Жумладан, хотин-қизлар фаолиги ҳамда уларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш мақсадида хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда «Балли, қизлар», «Турмуш қуришга тайёрмисан?», «Жамиятда аёлнинг ўрни», «Факултет гўзали» «Чевар талаба» мавзуларида кўрик-танлов, давра суҳбатлари ўтказилаётгани ҳам ўз самарасини бераётди.

Ўз мухбиримиз

□ Меҳнат муҳофазаси

Меҳнат муҳофазасига катта аҳамият берилаётган бўлса-да, бу масалага эътиборсизлик билан қараётган жамоалар ҳам йўқ эмас. Сирдарё вилоятида бир соҳанинг ўзида кетма-кет равишда иккита бахтсиз ҳодиса рўй берди.

Портлаш сабаби нимада?

Ўтган йилнинг 18 октябр кuni Мирзаобод тумани «Меҳнатобод» ҚФЙ ҳудудидаги «Азия авто сервис» МЧЖда, аниқроғи, ушбу жамиятга қарашли автомашиналарга метан газ қуйиш шохобчасида ҳайдовчи А. Жабборовга тегишли «Нексия» русумли (20 P965AA давлат рақамли) автомашинага ёқилги қуйилаётган вақтда унинг газ балони портлаб кетган. Ушбу фожиа автомашиналарга ёқилги қуювчи вазифасида ишлаган, 1986 йилда туғилган Акбар Ҳалилов умрига зомин бўлди.

Шу куннинг эртасига Сирдарё туманида худди шундай фалокат рўй берди. Бахт шахри ҳудудидаги «Ғайрат Фаниев» МЧЖга қарашли метан газ қуйиш шохобчасида турган «Нексия» русумли (20 B348AA давлат рақамли) автомашинада портлаш юз берди. Автомашиналарга газ тўлдирувчи Шухрат Ғоипов воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди.

Табиийки, икки шохобча биноси ва ўша вақтда шу ерда бўлган автомашиналарга зарар етди. Бахтсиз ҳодисалар сабаблари тегишли идоралар томонидан ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, Хитойда ишлаб чиқарилган ва автомашиналарга ўрнатилган «Медия» русумли газ балонлар сифати талаб даражасида эмас экан. Ҳайдовчилардан кўпчилиги арзонига учиб, ушбу маҳсулотлардан фойдаланиб келган. Қоида бўйича автотранспортта ўрнатилган воситалар йилига бир марта техник синовдан ўтказилиши шарт. Афсуски, автомобил эгалари бу масалага доқайд қараган. Ҳолбуки, вилоят марказининг ўзида газ баллонларини синовдан ўтказадиган ва бир зумда унинг ҳолатини аниқлаб берадиган тўртта шохобча бор.

Анорбой НОРКУЛОВ

Ободлик кўнгилдан бошланади

Намунали туман сифатида фаолият юритаётган кенгашимизда 109 та бошланғич ташкилот бор. 6170 нафар касабаси уюшма аъзосининг манфаатлари ҳимояси, эркин меҳнат қилишлари борасида озми-кўпми улушимиз борлиги бизга ҳузур бахш этади.

Байрам шуқуҳи кезиб юрган ушбу кунларда ходимлар ва уларнинг оилаларига кўтаринки кайфият улашиш, моддий қўллаб-қувватлаш ниятида янги йил совғалари ҳозирладик. Уларни ўз эгаларига етказдик.

Бундан ташқари, кишки таътилни мазмунли ташкил этиш мақсадида касабаси уюшма маблағи ҳисобидан Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштириш режамизда бор.

Касабаси уюшмалари тизимида юз бераётган такомиллаштиш жараёнига монанд иш юритиб, ҳар бир бошланғич ташкилотни замон талаби даражасига олиб чиқиш чораларини кўраёпмиз.

Турдиназар ЖўРАЕВ,

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси

Зомин педагогика коллежида Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Куролли Кучларининг ташкил этилиши ва бугунги кунда юртимизда тинчликни сақлашдаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтилди. Коллеж ўқувчилари «Биз чақирувга тайёрмиз» шиори асосида кўрғазмали чиқиш намойиш этишди.

«Биз чақирувга тайёрмиз»

«Балли, йигитлар» кўрик-танлови эса бўлажак аскарларнинг жисмоний чиникиши ва ҳуқуқий билиминини оширишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Ғолибларга таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси туман кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Байрам муносабати билан бу каби тадбирлар Зомин информатика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ҳамда 15-умумтаълим мактабида ҳам ташкил этилди.

Э.АЛЛАМУРОВОВ,

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Зомин туман кенгаши раиси

Ғулломжон Мусаев ўн уч йилдан буён Давлат Солиқ кўмитаси бошланғич касабаси уюшма ташкилоти раиси сифатида фаолият юритиб келади. У айни вақтда Кадрлар билан ишлаш бошқармасида маънавият-маърифат, спорт ҳамда касбий иқтисодий ўқув машғулотларини ўтказиш бўйича масъул ходими ҳамдир. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари кўмитаси негизда ташкил этилган миссионерлик ва провентизм билан боғлиқ салбий ҳолатларга барҳам бериш бўйича идоранинг республика ишчи гуруҳи аъзоси.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кўмитаси Жанг Федерациясининг раёсат аъзоси ҳамда Ўзбекистон Футбол Федерацияси назорат-тафтиш комиссияси раиси сифатида кенг кўламли амалий-ташқил ишларни зиммасига олган Ғ.Мусаев Солиқ органлари фаолиятини акс эттирган ўн қисмли «Бурч» ҳамда икки қисмли «Музаффар» видеофилмлари, «Хазинамиз таянчи» хроникал филмининг муаллифи саналади.

У чинакамига фидойи инсон. Касабаси уюшма ишларида фаол ва айни пайтда ходимларнинг жонкуяр вакили сифатида аъзоларнинг меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисо-

Инсон учун

дий, маънавий-маърифий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини, меҳнат муҳофазасини ҳимоя қилиб келаётди.

1994 йилдан буён ҳар 3 йилда Давлат солиқ кўмитаси билан Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида икки томонлама тузиб келинаётган тармоқ келишувлари фаолиятни такомиллаштириш омили бўлаёпти. Жумладан, ходим-

ларга қўшимча тўлов, моддий ёрдам, бюджетга тўлов тушумлари прогнози бажарилгани ҳамда солиқ бўйича қарзлар миқдори пасайтирилганлиги учун ой, чорак, ярим йиллик иш якунлари бўйича мукофотлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, алоҳида муҳим топшириқлар бажарилгани учун яқка тартиб-

Жумладан, 2012 йил мавсумида 76 нафар ўғил-қиз учун болалар оромгоҳларига имтиёзли йўлланма олиб берилди. Бундан ташқари, Давлат солиқ кўмитаси марказий аппаратида ишлаётган 8 нафар ходимга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги санаторийларга 8 та имтиёзли

димлар, уларнинг оила аъзолари ва соҳа ветеранларининг тиббий даволаниши, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши учун барча шароит яратилган. Давлат солиқ кўмитаси тасарруфидаги «Хумсон sanatoriysi» да юрак қон-томир, асаб, нафас олиш аъзолари ҳамда таянч ҳаракат аъзолари хасталиклар-


йўлланма тақдим этилди. Шунингдек, ёзги мавсумда тизим тасарруфида кирувчи Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани ҳудудидаги «Ғазалкент» соғломлаштириш марказида 1400 дан зиёд касабаси уюшма аъзолари ва уларнинг 3 нафар оила аъзолари имтиёзли йўлланма асосида ҳордиқ чиқарди.

2005 йилнинг май ойидан буён фаолият юритиб келаётган Спорт-соғломлаштириш мажмуасида соҳа хизмати органларида ишлаётган хо-

ри даволанади. Даволанувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун турли кўнгилочар тадбир ўтказилаётгани ҳам эътиборга молик.

Буларнинг барчасида, шубҳасиз, касабаси уюшма етакчиси Ғулломжон Мусаевнинг муносиб улуши бор.

Ғ. САЙБЕРДИЕВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири



САВОЛ: Иш берувчи ходимни малакаси етарли эмас ёки бажараётган ишига нолойиқ деб топса, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлими?

ЖАВОБ: Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, раҳбарнинг фикри асосидагина меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин эмас. Ходимнинг малакаси етишмаслиги муайян лавозим (иш) бўйича вазифаларни меъёрий равишда бажариш имконини бермайдиган билими, кўникмаси, сифатининг етишмаслиги шаклида намоён бўлиши мумкин. Ходимнинг ишга нолойиқлиги аниқ омиллар билан (текшириш далолатномалари, бевосита раҳбарининг билдируви, ҳисоботлар, аттестация ҳужжатлари, иш сифатининг пастлиги, брак маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги, иш ҳажмининг, ишлаб бериш меъёрларининг бажарилмаганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар) тасдиқланиши керакки, бу ҳолат ходим ўзига берилган ишни эплай олмаганлигидан далолат беради.

Ишга нолойиқлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилишга фақат ходим у билан тузилган меҳнат шартномасига асосан бажариши лозим бўлган ишни эплай олмаган ҳолатлардагина йўл қўйилади. Агар ходим бошқа ишни, хусусан, ишлаб чиқариш зарурати ҳолларида ёки туриб қолиш сабабли иш берувчининг ташаббуси билан унинг розилигисиз умумбелгиланган тартибда вақтинча ўтказилган ишни эплай олмаса, у билан меҳнат шартномасини ишга нолойиқлиги сабабли бекор қилиш мумкин эмас. Чунки ходим ўтказилган иш меҳнат шартномасида келишилмаган.

Малака етишмаслиги ва ходимнинг бажараётган ишига нолойиқлиги борасида низо пайдо бўлса, иш берувчи томонидан исботлаб берилади.

САВОЛ: Яқинда бир ходимимиз иш вақти тугаганидан сўнг корхонага маст ҳолатда келди. У билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинми?

ЖАВОБ: Ушбу ҳолда у корхонадан чиқариб юборилиши керак. Интизомий жазо чорасини, шу жумладан, меҳнат шартномасини бекор қилишни қўллаб бўлмайди. Бунга фақат иш вақтида маст ҳолда бўлганда йўл қўйилади.

САВОЛ: Ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш куни ишлаган кунлари учун бошқа дам олиш куни бериладими?

ЖАВОБ: Ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш кунидан ишлаган кун бошқа дам олиш куни (отгул) билан компенсация қилинади. Байрам, дам олиш кунлари ва иш вақтидан ташқари вақтда ишлаганлик бошқа дам олиш кунлари (отгул) билан компенсация қилинган тақдирда иш ҳақи бир ҳисса миқдоридан тўланади (МКнинг 157-моддаси).

хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари бўйича иш вақтида ўқиш ва имтиҳон топширишдан бош тортиши, агар бу уларни иш қўйишнинг мажбурий шарти бўлса, интизомий ножўя хатти-ҳаракат ҳисобланади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади (МКнинг 215-моддаси).

САВОЛ: Корхонамиз кадрлар бўлимнинг таъкидлашича, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ариза таътилдан олдин ёки таътил даврида, ходимнинг касал бўлган даврида қабул қилинмас экан. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ариза корхона ишлайдиган ҳар қандай кунда ва ҳар қандай вақтда берилиши мумкин. Ходимнинг вақтинча ишга яроқсизлиги, таътил ёки ишдаги танаффус фуқарони ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилмайди.

САВОЛ: Корхонамизда ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитишмоқчи. Мен буни рад этишга ҳақлиманми?

ЖАВОБ: Аввало, бу қарор сизнинг хавфсизлигингиз учун эканлигини унутмаслигингиз керак. Қолаверса, Ходимларнинг техника



САВОЛ: Бошқа ишни қўшиб олиб бораётган ходимга иш ҳақи ишда бўлмаган ходимнинг ойлик маошидан тўланадими?

ЖАВОБ: Ҳозир бўлмаган ходимнинг ишини қўшиб олиб бораётган ходимга иш қўшиб олиб бораётган кундан бошлаб унинг ҳақиқатда оладиган иш ҳақи (маош ва барча қўшимча тўловлар) ҳамда ўрнида ишлаётган ходимнинг лавозим маоши ўртасидаги фарқ тўланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

САВОЛ: Ходим узоқ вақт касал бўлганда ёки ишга чиққанидан кейин у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинми?


ЖАВОБ: Ходим соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишга нолойиқ бўлиб қолиши сабабли меҳнат шартномасини бекор қилишга, меҳнат қобилияти кескин тушиб кетганда ва ўз меҳнат вазифаларини бажаришга халақит берса, йўл қўйилади (МК 100-моддаси иккинчи қисми 2-банди).

Ходим соғлиги ҳолатининг ўз-ўзидан ёмонлашуви, унинг тиббий хулоса билан тасдиқланганлиги, шу жумладан унга ногиронлик белгиланганлиги, агар ходим ўзига юклатилган вазифани уддалай олса, у билан меҳнат шартномасини МК 100-моддаси иккинчи қисми 2-банди билан бекор қилиш учун етарли сабаб бўлиши мумкин эмас. Соғлиги ҳолатига кўра ишга нолойиқлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилишга ходим бажараётган вазифасини уддалай олиш-олмаслигидан қатъи назар, тиббий хулосага кўра ушбу вазифани бажариш ходимга тўғри келмаса ёки меҳнат жамоаси ёхуд улар томонидан хизмат қиладиган фуқаролар учун хавfli бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади.

САВОЛ: Иш жойида бўлмаслик прогул саналадими?

ЖАВОБ: Ходимнинг узрли сабабларсиз ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган ўз иш жойида эмас, балки бошқа ёки шу цехнинг, бўлимнинг ва шу кабиларнинг биносида ёхуд корхона, ташкилот, объект ҳудудида, шу жумладан иш куни давомида уч соатдан кўп бўлиши прогул эмас, балки меҳнат интизомини бузиш ҳисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, бир иш куни давомида узлуксиз, жами уч соатдан кўп ишда бўлмаслик прогул ҳисобланади. Турли иш куни (смена)да ишда бўлмаганлик даврларини қўшиб чиқиш мумкин эмас.



САВОЛ: Давлат корхонасининг иш берувчиси ўз ўғли билан бош бухгалтер лавозимига меҳнат шартномаси тузишига йўл қўйилладими?

ЖАВОБ: Бу ноқонуний. Чунки МКнинг 79-моддасига мувофиқ ўзаро яқин қариндош ёки қандайдир бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил-қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

САВОЛ: Меҳнат шартномасини интизомий жазо чораси сифатида бекор қилишнинг муддати ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди (МКнинг 182-моддаси).

САВОЛ: Касаба уюшма кўмитаси иш берувчидан ҳарбий хизматга чақириш муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик олишни талаб қилмоқда. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Ушбу асос бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишни Меҳнат кодекси тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга киритади ва касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилигисиз амалга оширилади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу инсонларнинг ҳаёти ва саломатлигини асраш, автомобил йўллари ва кўчаларда хавфсизликни таъминлаш ишларининг сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолати, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда «Йўл ҳаракати қоидалари» ва ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини кенг кўламда тарғиб қилиш бўйича қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, жорий йилнинг 4 январ кунидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун кучга кирди.

Ушбу Қонуннинг мазмун моҳияти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгаришлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон Сайдалиев билан суҳбатлашдик.



Янги қонун кучга кирди

— Янги қабул қилинган қонун тўғрисида маълумот берсангиз.

— Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва халқимиз ҳаёти фаровонлигини янада яхшиланиши йўлида амалга оширилаётган савий-ҳаракатларнинг самарадорлиги республикамиз автомобил саноатининг ривожланиши, транспорт воситаларининг кескин кўпайиши билан чамбарчас боғлиқдир. Замонавий талаблар даражасидаги динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкларини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, содир этилаётган ҳодисаларнинг оқибатларига уларнинг юзага келиш шарт-шароитларига эътиборни кучайтириш лозимлигини тақозо қилади. Қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги кун талаби десам хато қилмаган бўламан. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этиши учун масъулиятини ошириш, қонунларга итоат ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш мақсадида янги қонун лойиҳаси устида ишлар олиб борилди.

Тизимни янада такомиллаштириш, соҳага оид қонунларни либераллаштириш, фуқароларимиз, айниқса, ҳаракат иштирокчиларига қулайликлар яратиш, уларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида ҳам изланишлар олиб борилаяпти. Жумладан, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга 2006, 2007, 2008 ва 2011 йилларда киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ўзининг ижобий самарасини бериб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига хизмат қилмоқда.

Қабул қилинган янги Қонун ҳам ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Президентимизнинг соҳага оид қарорларида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДЙХХХ тизимида йўл ҳаракати қоидаларининг бузилганлиги юзасидан жойида пул маблағларини қабул қилишга йўл қўймайдиган жарималар тўлаш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сонли «Қонун

ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тўхташ ва тўхтаб туриш қоидалари бузилганлиги учун транспорт воситаларини ушлаш ва тўхташ жойига мажбурий олиб келишни назарда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича тақлифлар киритиш топширилган.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олган ҳолда, Ички ишлар вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонунни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси бошқа идора ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари билан умумлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди, Сенат томонидан маъқулланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 29 декабр куни тасдиқланиб, 2013 йилнинг 4 январ куни расман эълон қилинди. Унга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283, 287, 291-моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

— Ушбу киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида батафсил тўхтайсизми?

— Биринчидан, 283-моддада йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан фақатгина Кодекснинг 138-моддаси 1-, 2-, 3-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий баённома расмийлаштирилмаслиги, уларга жойида жарима қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу ўзгариш ИИВ ДЙХХХ ходимлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларга жойида жарима солиш имкониятини чеклашни назарда тутди. Қайд этиб ўтиш лозимки, Кодексга киритилган ўзгартиришлар ДЙХХХ ходимларининг фақат қоида бузувчи пиёдалардан жарима ундириш ҳуқуқини қолдирди. Ушбу механизмнинг зарурияти пиёдаларга солинган жаримани ўз вақтида ундиришни таъминлаш эҳтиёжидан келиб чиқди (амалиётда, кўп ҳолларда пиёдалар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни ўзи билан олиб юрмайди). Иккинчидан, Кодекснинг 287-мод-

дасида ички ишлар идоралари ходимларига янги киритилган 176⁴-модда (Таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга доир талабларни бузиш)да назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколат берилди.

Учинчидан, Кодекснинг 291-моддаси (Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби) 128⁶-модда билан тўлдирилди. Ушбу моддага киритилган ўзгартириш «Тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаларини бузган транспорт воситаси ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига ҳалақат берган ҳолдагина транспорт воситасини мажбурий эвакуация қилинишини назарда тутди.

Шу билан бирга, қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши қонун ҳужжати билан мустақамлаб қўйилди.

— Пиёдалардан жойида жарима ундириш механизми қандай?

— ЙПХ ходимлари қоидабузарлик содир этган пиёдали тўхтаб, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўриб, содир этган қоидабузарлигини тушунтириб, уни жаримага тортади. Жарима имкон даражасида жойида ундирилади. Ҳуқуқбузар пиёдалининг жойида жарима тўлашга имконияти бўлмаса ёки ҳуқуқбузарлик фактини инкор қилган ҳолда унинг шахси ўрнатилган тартибда аниқлангандан сўнг маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда жарималарни ундириш мақсадида маъмурий амалиёт инспекторлари билан сафдаги ЙПХ тузилмаларининг ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Шунга кўра, транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш, рўйхатга олиш, қайта рўйхатлаш вақтида ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузганликлари ҳолати бўйича жаримани тўлаганликлари маъмурий амалиёт бўйича юритилган маълумотлар базасидан текшириб борилади.

— «Тўхташ» ва «тўхтаб туриш» қоидаларини бузган барча транс-

порт воситалари эвакуаторлар ёрдамида олиб кетиладими?

— Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 128⁶-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланган ҳолатларда фақатгина «Тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаларини бузган транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига ҳалақат берган ҳолдагина транспорт воситасини мажбурий эвакуация қилинади. Бу ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сонли «Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан амалга оширилади.

— Юқорида ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати берилгани тўғрисида гапирдингиз...

— Маъмурий йўл билан ушлаб туриш қонун ҳужжатлари билан ваколат бериб қўйилган органлар (мансабдор шахслар) томонидангина амалга оширилиши мумкин. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарорга асосан йўналишсиз таксилар алоҳида жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак. Хўш, талаблар нималардан иборат? Биринчи навбатда шуни таъкидлаш жоизки, йўналишсиз такси фаолияти билан шуғулланган автотранспорт воситасининг тепасига ўрнатиладиган сариқ рангли фонарга «TAXI» ёзувли таниқлик белгиси ўрнатилиши ва автотранспорт воситасининг олди эшикларига «T» ҳарфи, шахмат тартибда жойлаштирилган қора квадратлар композицияси ва йўловчи ташувчи корхонанинг номи ёзилган бўлиши керак. Янги қонунга асосан таниқлик белгиси бўлмаган таксиларга нисбатан маъмурий чора кўрилади.

Уйлаймизки, бу ўзгариш ва янгиликлар ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш йўналишида амалга ошираётган ишларимизни янада яхшилашга хизмат қилади.

Суҳбатдош:
Мансуржон РИХСИЕВ

Тани сиҳатлик — Обод турмуш гаровидир

Обод турмушнинг яна бир муҳим шarti — бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканини барчамиз яхши тушунамиз. Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога қўл очар экан, аввало, «Тани соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимиз обод бўлсин», деб ният қилиши бежиз эмас; албатта.

Шу боис халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

НАМУНАЛИ ШИФО МАСКАНИ

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ чекка қишлоқларда ҳам аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Фарғона вилояти Учкўприк тумани кўп тармоқли Марказий поликлиникасининг 17 та бўлимида 50 га яқин малакали шифокорлар фаолият юритади.

— Шифо масканимизда ташхис қўйиш ва муолажа олиб бориш учун барча имкониятлар

етарли, — дейди бўлим мудир Бахтиёржон Қодиров. — Сўнгги русумдаги тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган лаборатория текшируви, ЭКГ ҳамда стационар даволаниш хоналари беморлар ихтиёрида.

Айтиш жоизки, туман миқёсида ўтказиладиган «Зукко ҳамшира» кўрик-танлови шифохона ходимлари учун маҳорат мактаби вазифасини ўтай-

ди. Хусусан, ўтган йилги танловда ҳамширалардан Фотимахон Эгамбердиева, Умидахон Туманова юқори ўринларни қўлга киритди. Вилоят миқёсида бўлиб ўтган кўплаб танловларда ҳам шифохона ходимлари ўзининг зукколиги ва касб маҳоратини намоён этиб, эътирофга сазовор бўлишмоқда.

Расулжон СОТҚИНОВ,
Ҳасанқори қишлоғи



ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШМОҚДА

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш доимий эътиборда. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида жойлардаги тиббиёт бирлашмаларига қарашли туғруқ мажмуалари моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Бу эса кўрсатилётган тиббий хизмат сифати янада ошишига хизмат қилаёттир.

Фарғона вилоятидаги Риштон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ мажмуаси 2012 йилда тўлиқ таъмирланди. Бу ердаги барча бўлимлар «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани аёлларни туғруққа тайёрлаш, чақалоқларни турли юқумли

касалликларга қарши эмлаш, гинекологик касалликларни аниқлаш, олдини олиш ва даволашда яхши самара бераёттир. Беморларга ўз вақтида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мажмуа тиббий ходимларининг диққат-эътиборида. Ҳомиладор аёллар ва ёш оналарга чақалоқ парвариши, репродуктив сало-

матлик, туғруқлар ораллигини сақлаш каби масалалар юзасидан мунтазам тиббий маслаҳатлар бериб борилади.

Суратда: туғруқ мажмуаси ҳамшираси Зулфия Умарова ёш она Садоқат Давронова билан.

Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Ўз касбининг билимдони саналган ҳалол ва меҳнаткаш мутахассисгина эл ўртасида обрў-эътибор қозонади. Инсон саломатлигини муҳофаза қилишни ҳаёт мазмуни деб билган Боғибек Ражабов шу фазилати туйғайли ҳурмат ва ишончга сазовор бўлди.

СОҒЛИК ВА ШОДЛИК УЛАШИБ

... Келинининг аҳолига қараб Солия опанинг дили хира тортди. Бечоранинг кўзи ёришига оз қолган. Мадорсизланиб қолапти. Дўхтирлар келинингизни авайланг, соғлиги унча яхшимас, дейишганди, эътиборсизлик қилди. Мана, энди дарди ичида. «Саломатни Боғибек дўхтирнинг олдига олиб бораман. У, албатта, бир чорасини топади».

Қайнона-келин умид билан Боғибек Ражабовнинг ҳузурига келишди. Шифокор бир қарашдаёқ вазият жиддийлигини пайқайди. Она ва бола ҳаётини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Ҳамкасблари, шогирдлари кўмакка шошилишди. Саломат фарзандини соғ-омон бағрига босди.

Боғибек Ражабов фаолиятида бу каби воқеалар тез-тез учрайди. Ҳар сафар бемор билан тенг жон талашар экан, касб масъулиятини инсонийлик нуқтаи назари билан уйғунлаштирган ҳолда иш кўради. Шунинг учун ҳам уни «кўли энгил шифокор» деб таърифлашади.

Боғибек асли ҳазорасплик. 1986 йилда Самарқанд тиббиёт институтини тамомлаган ёш мутахассис йўлланма билан Янгибозор тумани марказий шифохонасига ишга юборилди. Ўз касбининг билимдони экани, камтаринлиги уни Янгибозорнинг фарзандига айлантди. Иш бошлаган кезлари туманда олий маълумотли гинеколог мутахассис етишмасди. Ҳозир улар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Туғруқхона мажмуи мудир Зулфия Нуриева, гинекология бўлими мудир Меҳрибон Вайсова, олий тоифали шифокор Гулбахор Бобожонова, ёш шифокор Феруза Аташева Боғибек акани устоз деб билади.

Боғибек Ражабов ва унинг ҳамкасблари «Соғлом она — соғлом бола» дастурини амалга татбиқ этиш, бехатар оналик ва болаликни таъминлаш, гинекологик касалликларнинг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, туғма ногиронликни камайитириш каби вазифаларни масъулият билан адо этиб келмоқда.

Комилжон ЎРОЗИМБЕТОВ

ОТАСИННИНГ ЎҒЛИ

«Сизга катта раҳмат. Болажонимизнинг ҳаётини сақлаб қолиб, оиламизга қувонч бағишладингиз...». Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали бўлим мудир Асқар Рўзимов бундай илиқ сўзларни эшитганда, чарчоғини унутади.

Асли Бухоронинг Қоракўл туманидан бўлган Асқар Рўзимовнинг отасига ҳавас қилиб, эғнига оқ халат кийганига қарийб 25 йил бўлди. Болтақул ота фарзандлари Асқар,

Ўғилой, Яйра, Арслон, Гулбахорнинг тиббиёт соҳасини танлаганидан бир суюнса, ўн чўчиганди. Чунки, салкам ўттиз йил қишлоқ фелдшерлик пунктига мудирлик қилган ота бу

касбининг масъулиятини қалбдан ҳис этарди.


Олийгоҳ йўлланмаси билан Сирдарё вилоятида иш бошлаган А.Рўзимов узоқ йиллар Мирзаобод тумани юқумли касалликлар шифохонасига раҳбарлик қилди. Ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги ва касбига масъулият билан ёндашишини инobatга олиб, уни ШТЭИМ вилоят филиали болалар жонлантериш бўлими мудирлигига тайинлашди.

— Бўлимнинг асосий вазифаси беморга қисқа вақтда тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиб, соғлигини тиклашдан иборат, — дейди филиал бош шифокори Мурод Бўронов. — Асқар Рўзимов мана бир ярим йилдирки, шу бўлимга раҳбарлик қилиб, ўзига билдирилган ишончни оқлаб келмоқда.

Ҳа, жондан азиз фарзандларимиз саломатлиги йўлида ҳаловатидан кечган шундай ажойиб шифокорларнинг борлиги бахтимиздир. Зеро, ҳар бир ота-она учун боласининг соғлигидан азизроқ нарса йўқ.

Баҳодир АБДУРАҲМОН ЎҒЛИ

Саримсоқнинг шифобахш хусусияти қадимдан маълум. Юқумли касалликлар эпидемиясига қарши аждодларимиз пиёз ва саримсоқдан фойдаланишган. Тирихнинг гувоҳлик беришича, саримсоқ нафақат қадим Шарқ табобатида, балки Юнонистон ва Римда кенг оммалашган. Саримсоқ қолдиқлари ҳатто антик ибодатхоналардан ҳам топилган. Бу шифобахш неъмат қадимдан олимпиада ўйини қатнашчилари, аскарлар ва гладиаторларга қувватлантирувчи омил сифатида бериб борилган. Саримсоқ халқ табобатида организмни ёшартирувчи, куч-қувват бағишловчи, жинсий имкониятни мустақамловчи восита сифатида қўлланилган. Шунингдек, кулоқ, тиш оғриғини қолдирувчи, сувли тошма ҳамда бўғин хасталиклари, ошқозон заифлиги, овқат ҳазм қилиш ёмонлашганда, гижжага қарши фойдаланилган.



Саримсоқ шифоси

Букрот саримсоқдан сийдик ҳайдовчи ва шамоллашга қарши восита сифатида фойдаланган. Пиёз ва саримсоқ жинсий заифликда самара берган.

Саримсоқ таъсири ва хоссасига кўра, юмшатовчи, дами тарқатовчи, терини яралантирувчи ва куйдирувчидир.

Тоғ ялпизи қайнатмаси билан қўшиб ичилса ёки баданга ишқаланса, бит ва сиркани ўлдиради. Кулини асал билан қўшиб доғ ва кўз остидаги қонталашга суртилса, шифо беради. Чириган моддалардан пайдо бўлувчи «тулки касаллиги»да фойдалани.

Ички йирингли шишларни ёради. Кули тошмаларга фойдали.

Кули асал билан аралаштириб темирлатки ва яраланган кўтирга суртилади. Ёввойи саримсоқ янгилигида ёмон жароҳатларга қўйилса, уларни битиради.

Саримсоқ бошни оғритувчи хусусиятга эга. Пиширилгани овоз ва томоқни тозалайди, эски йўталлар ва совуқдан бўлган кўкрак оғриғига шифо. Томоқдаги зулукни чиқаради.

Зайтун ва сабзи билан пиширилгани қоринда сув йиғилишида фойдали.

Ични бўшатиш хусусияти бор. Са-

римсоқ балғам моддаларини елга айлантиради.

Шароб билан ичилса, илон ва гандалар чаққанида наф қилади. Шунингдек, кутурган ит қопганда ҳам фойдали.

Саримсоқ таркибидаги фитонцидлар, бактериялар, вируслар, замбуруғларни келтириб чиқарувчи микроорганизмларни йўқ қилиш хусусиятига эга. Фитонцид қондаги холестерин миқдорини камайтиради, тромбоцитлар ёпишиб қолишининг олдини олади, артериал қон босими меъёрда бўлишини таъминлайди. Шунингдек, танадаги ортиқча туз, сув ва ёғни ҳайдаш хусусиятига эга. Қон айланишини яхшилайдди, юрак қон томир тизимига ижобий таъсир қилади. Атеросклероз, гипертония, стенокардия, қанд касалликларининг олдини олади ва даволайди. Миокард инфаркти ва инсулт келиб чиқиш хавфини камайтиради. Тери ва шиллик қаватлар замбуруғли касалликлар (қирма темирлатки, сийдик йўли яллиғлини)ни саримсоқ билан даволаш яхши самара беради. Саримсоқдаги мавжуд олтингугурт бирикмалари заҳарлар таъсирини қирқши, жигарни тозалаш хусусиятига эга. Вирусларнинг баъзи шакллари ҳалок этиб, организмнинг ҳимоя реакциясини куч-

чайтириб, иммунитетни оширади, юқумли касалликларга қаршилигини мустақамлайди, патоген микробларни ўлдириш билан бирга улардан чиққан заҳарларни ҳам зарарсизлантиради. Ошқозон, ўн икки бармоқли ичак яраси, қорин дам бўлиши, йўғон ичак, ингичка ичак яллиғлини, ошқозон шираси камайиши билан кечадиган ичбуруғ, ўт пуфаги яллиғлинишида кенг қўлланилади. Саримсоқдан ёмон сифатли ўсма касалликларнинг олдини олишда фойдаланилади. Уни мунтазам истеъмол қилиш саратон (рак) хужайраларини ҳалок қилади.

Ибн Сино тавсиясига кўра, заҳарли ҳашаротлар ва илон чаққанда яхши натижа беради. Саримсоқ грипга қарши энг яхши даво ҳисобланади.


ЭСЛАТМА:

Саримсоқни аспириин ва қонни суюлтирувчи дори воситалари билан истеъмол қилиш таъқиқланади.

Кўп истеъмол қилиш ошқозон ичак йўли фаолиятининг бузилиши, бош айланиши, бош оғриши, юрак қисқаришининг тезлашишига олиб келади.

Буйрагида шамоллаши бор кишиларга саримсоқнинг пишгани ҳам, хоми ҳам тавсия етилмайди.

Биласизми



Тошларда минг ҳикмат

Донишмандларнинг эътироф этишларича, қаҳраб ақлни пешларқан. Шу боис уни нафақат зеб-зийнатлар яшашда балки дурдона санъат асарларини яшаш-у хоналарни безашда ишлаштирган. Қаҳраб ақлни ақиллик, аёллар учун шифобахш неъмат ҳисобланади. Қолаверса, қаҳрабдан ясалган тасбеҳ ақлни чархлаш баробарида фикрни жамлашда ҳам ёрдам берар экан.

Ёкут

Қадимшунос олимлар ёкутнинг сирли қуввати ҳақида кўп ёзишган. Уни куч-қувват бахш этувчи, салобат берувчи, ҳукмронлик рамзи ва хавф-хатардан асровчи тош сифатида эъзозлашган. Узоқ сафарларда, жангларда ёкут баҳодирларга йўлдош бўлган. Яна ёкут кўзли тақинчоқ таққан аёл кўзга жозибали кўринган. Ёкутдаги сирли куч маҳбубларнинг бир-бирига муҳаббатини зиёда қилган. Ёкут кўзли зирак таққан аёлнинг оиласи осойишта, эрига севикли бўлган. Гўё ёкут уларни хиёнат ва вафосизликдан асрайди деган ақида билан яшашган. Ёкутни шу боис муҳаббат ва осойишталик, салобат рамзи сифатида қадрлашган. Шу билан бирга ёкут таққан аёлнинг кўзи ёриши, туғиши осон кечган.

Нурилла ШАРИПОВ, олий тоифали шифокор

Саломатликнинг биринчи шарт асабни асрашдир. Аммо ҳаёт ҳамиша қувончдан иборат эмас. Шунинг учун ҳам киши бўлар-бўлмас воқеа ва ҳодисаларга ташвишланавериб, асабни бузмаслиги, ҳолдан тойиб қолмаслиги керак. Шу боис асабни бузадиган товушларни эшитманг, бўлар-бўлмасга гапираверма, ортиқча ҳаракатлар қилма, миёда ташвишли ўйларни

Соғлом бўлай десангиз...

ушлаб турма.

Унутмаки, узоқ ўтириш жисминга, узоқ ётиш нафасинга, узоқ тик туриш суякларга зарар еткази. Оромни уйғун ҳаракатлар юзага келтиради. Шу боис, ўзини вақтида тўхтатишни билган киши донодир.

Сихат истасанг, юзингни ва кулоғингни силаб-сайпаб, доим массаж қил, кўзинг доим ҳаракатда

бўлсин, сочингни тез-тез тара. Шунингдек тутки, юрагинг ҳамиша сокин урсин, елканг, қоматинг ҳамиша тик турсин, юқори жағ билан пастки жағ доим бир-бирига тегиб турсин. Ҳамиша бир текис нафас олишга ҳаракат қил, иложи бори-ча кам гапир.

Ҳамиша ҳалол таом истеъмол қил. Таомни шошилмай узоқ чайнаб егин.

Овқатланганда кўп суяқлик ичма. Қишда ёғли, ёзда энгил овқатлан.

Ҳар куни оз-оздан асал еб юр. Сут ичиб устидан балиқ ема, қонни бузади.

Кам еб, кам гапириб, кам ухла.

Ҳар куни тўртта олма есанг касаллик сендан қочади.

Унутма: саломатлик посбони парҳез.

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона виллояти, Кўштепа туманидаги Марказ шифохонаси биноларни мукамал реконструкция ишлари».

Бошланғич нархи — 2 731 799 760 сўм ҚҚС билан; 2 276 499 800 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 20.08.2013 йил.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй, тел.(373) 400-52-80.

Қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларни таъминлаш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва

бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилмайдиган объектларига ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар бериледи.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурслари,

рига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилмайдиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома

билан савдо ташкилотчиси — Фарғона виллоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: + 998-98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй манзилида ўтказилади.



Хамма дув этиб эшикка қаради. Тўйхонага тойда ўтирган тўй бола ва уни тутган тоға кириб келди. Чироклар ўчиб-ёниб турган давра бўйлаб чиройли безатилган дастурхонлар ёнидан тойни айлантира бошлашди. Хуркак тойни эплаш қийин бўлдимми, яна битта тоға ёрдамга чақирилди. Шу пайт буви-жоннинг қувончи ичига сигмай кетди, шекилли, той аралаш набира-сининг устидан пул соча бошлади. Той барибир той-да, у пулни қаердан билсин! Қўлини сермаётган буви мени урмоқчи, деб ўйлади чоғи олд оёғини даст кўтариб орқага тисарилди. Той устида базўр ўтирган тўй бола чалқанчасига орқага йиқилди. Тоғанинг қўлидан чиқиб кетган той шовқиндан довдираб қолиб тўғри келган томонга чопа бошлади. Бир неча абжир йигит келиб хуркак тойни ушлагунча бир неча безатилган стол оёқ ости бўлди. Даврадаги қий-чув орасида кимдир тўй болани кўтарди. Изиллаб йиғлаётган болақайнинг бошидан тирқираб қон оқарди.

Тўй болани тойга миндириш, болалик даврини ортда қолдириб салкам йигит бўлди, деган гўзал маънони билдиради. Қон-қонимизга сингиб кетган бу одат кенг далада, беш-ўн меҳмон гувоҳлигида

Гўзал қадриятлар рамзи

Халқимизнинг тилдан-тилга ўтиб келаётган тилаклари бисёр: «Бошинг тўйдан чиқмасин!», «Топганинг тўйга бу-юрсин!»...

Тўй — ҳақиқатдан ҳам орзуларимиз рўёби, қадриятларимиз рамзи. Батартиб тўйлардан қувонсақ, ҳашамдор давралар-у, ортиқча исрофгарчилик эса...

Тўғри, ўзбекчилик: фарзандимиз дунёга келиши билан элга дастурхон ёзишни ният қиламиз. Ақиқа, бешик, суннат тўйи, никоҳ... хуллас, орзу-ҳавасимизнинг чеки йўқ. Бироқ, кейинги вақтларда дастурхони ёзаётганларнинг орасида кимўзарга, даб-дабабозликка уринаётганлар ҳам кўпайиб кетгандек. Бу эса қадриятларимизга путур етказаетир.

ТУҒРУҚХОНАДА «ЛИМУЗИН»

Қайси давр, қандай шароит бўлишига қарамай «инга»лаб келган меҳмон ёруғ юз билан кутиб олинади. Айниқса, интизор кутилган болажоннинг ташрифидан кўнгилар яйрайди.

Яқинда синглимнинг фарзандли бўлганини эшитиб, туғруқхонага югурдим. Дарвоза қаршидаги учта бир хил «Лимузин» атрофида бир неча хотин-халаж говур-гувур қилиб туришарди. Синглимни бир муддат кутишга тўғри келди-ю «Лимузин» олдидагиларни кузата бошладим. Сўзларидан англадимки, сартарош ва пардозчи ичкарида ёш онани ясантиришяпти. Пастда эса қайнонанинг фиғони фалакка чиққан. «Тез-тез бўла қолмайдими? Машиналарнинг нархи дақиқа сайин ортиб борапти. Телефон қил», дея ўғлига ўшқиради. Ниҳоят, сочлари хурпайган, лаби қизарган, тор кўйлақда зўрға қадам ташлаётган ёш она кўринди. Дарҳол суратчилар, тасвирчилар ишга тушиб кетишди. Чақалоқ ҳамширанинг қўлида. Орқада яна

бир неча оқ халатлилар. Ёш ота худди куёвдек гулдастани ёш онага узатди. Чақалоқнинг устидан пул сочди. Оқ халатлилар ердан пул тера бошлади. Йигитнинг қўли ҳамширанинг чўнтагига кириб чиққанидан кейин чақалоқни олди. Бу дунёнинг ташвишларига гувоҳ бўлаётган тўрт кунлик болани қўлида кўтарган ота-она кутувчилар томон одимлашди. Тасвирчи йигитнинг ёнида режиссёр ҳам бор шекилли, энди у ҳам ишга киришиб кетди. Ота-она ва чақалоқни машина олдида, орқасида, ёнида, эшиги очик ва ёпиқ ҳолда тасвирга туширишди. Тўрт кунлик чақалоқнинг иссиқдан пишиб, биғиллаб йиғлаши ҳам, худди филм бош қахрамонидек лаб-лунжини йиғиштира олмаётган, эндигина бўшанган, чиллали ёш онанинг эътиборини тортмасди. Икки қадам нарида бошқа сахна ижро этиларди. Жиғибийрони чиққан қайнона сартарош ва пардозчининг ҳақини келишолмасди.

— Мен ахир икки марта причёска қилдим. 50 минг бўлади, — дейди сартарош.

— Нега икки марта причёска қиласан, биттаси ҳам бўларди, — дейди қайнона. — Йигирма беш мингдан бир тийин ҳам кўп бермайман.

— Нима қилай, келинингиз шуни хоҳлади.

Хуллас, қайнона минг битта гапни айтиб пулни берди. Орзу-ҳаваснинг салқин шабадасидан эти совқота бошлаган қайнона набирасини қўлига олишга ҳам улгурмай бир ҳайдовчи ёнига келди.

— Онахон, вақтидан ўтиб кетаяпти. Ё сал тезлатинг, ёки...

Бу гапдан кейин Жабборқулда жон борми дейсиз?

— Бўлларинг тез-тез, — бақирди қайнона ёш ота-онанинг ёнига бориб ва машинанинг эшигини очди.

Шунда ёш она эрига «ойингиз нариги машинада кетсин», дегандек имо қилди. Йигит югуриб ке-

либ онасининг қулоғига бир нарсаси деди. Она қарс этиб эшикни ёпди-да, нариги машинага ўтириб, бошқаларни кутмай, ўзи ҳайдаб кетди. Шундан кейин ҳам бир неча муддат тасвирга олиш жараёни давом этди...

Синглим ва қизчасини деразадан кўриб, кўнглим қувнаб ортимга қайтдим. Катта йўлда тўпланиб турган одамлар беихтиёр эътиборимни тортди. Не кўз билан кўрайки, машина олдида ҳозиргина туғруқхонадан фарзандини олиб чиққан йигит югургилаб юрибди. Суриштирсам, келинининг ноз-ишваларидан чарчаган қайнона ўзи машинани бошқарган ва беихтиёр газни қаттиқ босиб юборган...

Момоларимиз бежизга чиллалани кўздан узок асрашмаган. «Янги туққан аёлнинг суяклари бўғимларидан бўшашади. Жуда нозикланади. Шунинг учун чилласи чиққунга қадар ҳар хил нигоҳлардан асралиб, бели ва бошини боғлаб юриши лозим. Бола гулдек нозик, у қалдирғоч қанотининг шабадасидан ҳам зарар кўриши мумкин», дерди раҳматли аммажоним. «Лимузин» олдида тинмай тасвирга тушаётган келинчақка на онаси, на қайнонаси ёки бувиши шу гапларни айтмаган бўлса?

ТОЙ ЙИҚИТГАН ТЎЙ БОЛА

Яқинда суннат тўйида иштирок этдим. Тўй боланинг отаси ният қилган экан, дабдаба ҳаддидан ошди. Меҳмонларнинг аксарияти йиғилиб бўлгач, тўй боланинг буви, бобоси, хола-ю тоғалари кўринишди. Муסיқанинг овози шундай баландки, мезбонлар меҳмонларнинг қўлларидан тугунини олиб жойларига ўтказгунча қулоғимиз қоматга келди. Хуллас, бир муддатли гала-говур сал тингандай бўлувди, кўшиқчилар «той бола»ни бошлаб юборишди.

ўтказилган, бугунгидек қулоқни қоматга келтирадиган муסיқа янграётган, қизил-сарик чироклар тинмай ўчиб-ёнаётган, даврада эмас.

Меҳмонларга тўй ҳам татимасди. Боланинг ортидан бувининг ноласи эшитилди.

— Мен прокатда юрадиган, тўйга ўрганган тойларни олайлик дедим, қудам ўлгур кўнмади. Икки соатга олиб келиб қайтариб олиб кетиладиган тойчоқ керак эмас, набирамнинг ўзига атаб от сотиб оласиз, деб туриб олди. Мана оқибат!..

Бундай серчиқим урф-одатларни ким ўйлаб топаркин?!

«Ким ошар»га тўй қилинаётган айрим кишиларни бу гаплар ғашлантириши аниқ. «Қўлингдан келса, сен ҳам дабдабали тўй қилиб кўрчи», дейишлари тайин. Лекин бир кунда ўтадиган тантаналар учун ортиқча сарф-харажат қилиш, қарз кўтариш ҳеч мантиққа тўғри келмайди-да. Ҳалигидек ташвиш ва хунук оқибатларни айтмайсизми?

Президентимиз томонидан 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармон замирида янги қурилаётган оилаларнинг мустаҳкамлиги, кам таъминланганларга енгиллик яратиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш каби хайрли ишлар ўз ифодасини топган.

Дабдабабозлик билан тўй қилиш, қаторлатиб «Лимузин»ларда сайр қилишда оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайдиган ҳеч нарсаси йўқ. Уйдан кўра яхши ниятларда мисқоллаб тўпланган маблағни ёшларнинг фаровон турмуши учун сарфласак, нур устига аъло нур бўларди.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА,
Республика
Маънавият тарғибот
Маркази етакчи
мутахассиси

«ГАП»ДАН ЧИҚҚАН ГАПЛАР

Бугун Дилдоранинг уйида «гап». Ҳафта бошидан буён шунга тайёрланди. Дастурхоннинг тўқис бўлиши учун пулни аямади. Меҳмонлар ҳам келиб бўлишди. Онабоши Наргизахон келиши билан гап ўзани ҳар доимгидек савдо, бозор томонга бурилди.



— Мана буни сотгани олиб келдим, бриллиант кўзли. Бирорта бозордан тополмайсиэлар, — деди у қўлидаги узукни кўрсатиб. — 1000 долларга бериб юбораман.

— Олсаммикан, — деди Дилдоранинг опаси ўйлиниб.

— Опа, нима қиласиз, ана бозорда анча арзон турибди.

Буни эшитиб Наргизанинг ранги бўзарди. Дилдорага кесатиқ гаплар қила бошлади:

— Сиз синглингизга ўхшаб «ачавод» бўлманг. Нима қўлига тушса, тақиб олаверади. Аёл киши ҳамма нарсанинг тозасини олиши керак.

Дилдоранинг устидан бир челақ совуқ сув қўйилгандек бўлди. Нима деди? Ҳақорат қилишга нима ҳаққи бор унинг? Гап ўзининг уйида бўлмаганида яхшилаб жавоб қайтарди.

Дилдоранинг эри: «Майли, гапга қўшилсанг қўшил, лекин спиртли ичимлик ичганингни ёки дастурхонга қўйганингни кўрсам ўзингдан кўр», деб шарт қўйган. Наргиза шунга ишора қилди: «Буёғи «Тошкент пиёласи» бўлиб кетди-ку! Олиб келмайсиэми оку қизилидан». Дилдора ҳам: «Гапга фақат ичгани келасизми дейман», деб ҳазиллашган бўлди. Наргизага шу етмай турганди. Меҳмондорчилик жанжалга айланди...

Бундай воқеаларга кўп гувоҳ бўлганмиз. «Гап» баҳона таниш-билишлар, ошна-оғайнилар, ҳамкасблар билан дийдорлашиш яхши. Аммо бу тадбирни маст-аласт даврага айлантириш одат тусини олаятти.

Опам бир неча йилдан бери «гап» ейди. Бир сафар шундай йиғинлардан бирига мени ҳам олиб борди. Дастурхонда ноз-неъматларнинг кўплигидан очиқ жой қолмаган. Бундан ташқари, бир-иккита ҳофизлар ҳам таклиф қилинган. Сархуш «гап»чи аёллар ибод-ҳаёни унутиб, беўхшов рақсга тушишар, бошқалари эса қистир-қистир билан овора эди. Опам бир четда хомуш ўтирар, гапнинг пулини эрталаб поччам билан бўлиб ўтган даҳанаки жанг эвазига қўлга киритганди...

— Мен ҳам курсдош қизлар билан гап ўйнайман, — дейди Чарос Дўсмамова. — Шу баҳона қизлар йиғиламиз, дийдорлашамиз. Ойда бир марта ортиқча дабдабаларсиз, камтарона дастурхон атрофида ширингина ўтиришнинг ҳеч ёмон томони йўқ, деб ўйлайман. Пул йиғиб гап ўйнашга келсак, агар пул йиғилмаса, кўпчилик келмайди-да.

Ўзига тўқ аёллар гапларини ресторани, кафеларда ўтказишади. Айниқса, уларнинг ясан-тусанини кўрсангиз. Спиртли ичимлик тўла қадаҳларни тап тортмай қандай ўрناق олиши мумкин? Онасининг дабдаба-бозликка кўмилган гап-гаштаклари ичида улғаяётган қизчада бойликка, мол-дунё, пулга ҳирс уйғонмайди-ми?

Ҳакима Шамсиева, Қибрай туманидаги «Баҳор» маҳалласининг диний ва маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси:

— Гап, аслида, бир йиғин. Лекин уни ёши катта, бола-чақасидан тинган, ҳаётни кўрган аёллар ўйнаса ярашади. Мен маҳалла маслаҳатчиси сифатида ёшларнинг гап ўйнашига қаршиман. Чунки улар ҳали кўп нарсага енгил қарашади. Билиб-билмасдан бири-бирининг шахсиятига тегиб қўйиш, мансабига, кийим-бошига қараб одам ажратиш натижасида можаролар келиб чиққач, биз маҳалладаги ёшларнинг гап ўйнашини тўхтатиш чорасини кўрдик. Гап ғийбат ва фиқ-фасод гапириладиган даврага айланиб қолмаслиги керак. Ҳар ишда одоб-ахлоқ ва инсонийлик мезонларига амал қилинса, албатта, у эзгу мақсадга хизмат қилади.

Кўпчилик оилавий гап ўйнашади. Бунинг яхши томонлари бор. Биринчидан, эр-хотин бири-бирининг таниш-билишларидан хабардор бўлишади. Иккинчидан, ўртадаги ишончга путур етмайди. Бироқ бир ҳайдовчи акамик айтиб берган воқеа бунинг аксини ифодалайди.

— Яқинда ўғлимга оёқ кийим олиб бергани Чилонзор буюм бозорига тушдим, — дейди ўзини Маҳмуд деб таништирган киши. — Икки аёл ва икки эркак бозорга кираверишда жанжаллашиб турибди. Аёлнинг шангиллаган овози ҳамманинг эътиборини тортди. Тушунишимча, эрхотин бирга гап ўйнашар экан.

— Яна бир марта сени эрим билан бирга кўрсам, шармандангни чиқараман, — деди биринчи аёл. Эри «кетдик» дея қўлидан тортганди уни силтаб ташлаб, яна жим турган жувонга ёпишди. — Уйингга гапга эмас, эримни йўлдан ургани чақирибсанда. Айтдим-а, бунинг нега гап ўйнагиси кеп қолди, деб.

Аёлнинг гаплари уйга келгунимча кулоқларим остида жаранглаб турди. Эшиқдан кириб қолганим: «Кел, шу гапга қўшилмай қўяқолгин», деб юбордим...

Опам гапдан кўпинча кийим-кечакми, тилла узукми, хуллас, ул-бул буюмлар кўтариб келади. Кечқурун уйда жанжал. Чунки поччам қарзга нарса олишни ёмон кўради. «Онабошимиз Шайхноза опа сотаётган экан, «олинг» деб қўймади. Энди олмайман десам, ҳамманинг олдида шарманда қилади. Унга ҳеч ким гапиролмайди. Опамга раҳмим келади. Шартмикан, шунақа «гап» ўйнаб, деб ўйлайман?

— Гап-гаштак яхши нарса. Яқинларинг, таниш-билишларингни тез-тез кўриб турасан. Улар билан дилдан суҳбатлашасан. Мен ҳам ўзимга ўхшаган ижодкор аёллар билан гап ўйнайман. Онам Ёкутхон Раҳимова «Фунча» журналида узок йиллар муҳаррирлик қилган. У киши ижодкор аёллар билан гап ўйнардди. Кўпинча гапга мени ҳам олиб борарди. Йиллар ўтиб, мен ҳам ҳалигача давом этиб келаётган ижодкор аёллар гапнинг иштирокчисига айландим. Гап ўйнаш инсоннинг маънавий тарбияланишига ҳисса қўшса бунинг нимаси ёмон? — дейди Юлдузхон Тешабоева.

«Гап»нинг ҳам ўзига яраша қонун-қоида бор. Дастурхон атрофида

барча тенг кўрилиши, кийган кийими-га, таққан тақинчоғига қараб ажратилмаслиги керак. Бундан ташқари, уч-тўрт киши бўлиб пичирлашиш ҳам бошқаларнинг шахсиятига тегиши мумкин. Қолаверса, гапда бировларнинг ғийбатини қилиш, мезбоннинг дастурхонини камситиш ҳам ярамайди. Гап ўйнашдан асосий мақсад дийдорлашиш, яқинлар билан дилдан яйраб ўтиришдир. Ахир меҳр кўзда деганларидек, бир пиёла чой устида суҳбат қурганга нима етсин.

Ресторанда икки тоифадаги аёлларнинг гапи бўлаётти. Биринчи даврадагилар савдогарлик билан шуғулланади. Иккинчиси эса зиёлилар. Савдогар аёлларнинг бепарда гаплари, мастона сузилган кўзларидан спиртли ичимлик ичганиликлари сезилиб турибди. Уларнинг қий-чуви, бақир-чақир рақслари авжига чиққач, нариги столдагилар ресторани бошлиғини чақиришга мажбур бўлишди. Бироқ у ҳам тинчлантира олмагач, иккинчи давра гапни тугатиб қўя қолди...

— Гап-гаштакларда аёллар асосан кимнинг қизи ким билан юрибди, ким хотинидан ажрашаётти, ким қандай қўйлақ олди деган мавзуларда суҳбат қуришади. Ҳаттоки, «деди-деди» гаплар туфайли келиб чиққан жанжалларни тинчитиш учун аёлларни маҳалла идораларига чақириб, тушунтириш ишларини олиб бораёلمиз», — дейди Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани «Қораёғоч» МФЙ раиси Жума Мардаев.

Демак, гап ўйнаётган ҳар бир аёл ўзини назорат қила олиши, жамоат жойида ўзини тутишни ҳам билиши керак. У, авваламбор, аёл эканлигини ёдда тутиши лозим.

Яна бир жиҳат борки, бу ҳақда гапирмасликнинг асло иложи йўқ. Дастурхонга тортиладиган таомлар тадбир қатнашчилари сонидан бир неча бор кўп бўлади. Олдин шўрвани ичиб, сомсани еб, изидан кадоб ва мантини ҳам «хафа қилмаган» одамнинг ошқозонини бир тасаввур қилиб кўринг.

«Одамлар ўлатдан кўра баднафслик, бадхўрлик ва ахлоқий бузилишдан ҳалок бўлади», деган эди Корнано. Охирги вақтларда ошқозоничак ва жигар касалликларининг кескин кўпайиб кетишида наҳорги ош ва гап-гаштакнинг ҳам ҳиссаси бор.

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино бир кишига шундай дебди:

— Одам таомни ейди, лекин таом ҳам одамни ейди.

— Ие, бу қанақа таом? — дея сўрабди у.

— Ҳаддан ташқари кўп ейилган таом. Улуғ одамлар ҳаммиша меъёрида овқатланадилар, — деб жавоб берган экан буюк табиб.

Нафақат овқатланиш ёки гап-гаштакларни ўтказишда, балки ҳар бир хатти-ҳаракатимизда олтин меъёрни сақламоғимиз керак. Оддий учрашуви исрофгарчиликка айлантириш эса тўқликка шўхликдан бошқа нарса эмас.

Саида ЭШМУМИНОВА,
журналист

Ҳаётимизни уяли телефон, компьютер, интернетсиз тасаввур қилолмай қолдик. Биргина уяли телефон хусусида тўхталсак, инкубаторда тухумдан жўжа чиққани каби унинг янги русумлари пайдо бўлаётти. Бунинг устига, телевизорга боқиб, гудоклар ўрнига мусиқа ўрнатиш амалини киприк қоқмасдан бажарадиган, ҳар хил ўйинларни пиёладаги чойимиз совумасдан юклаб оладиган бўлдик. Ҳатто, кўчада кетатуриб, қирқта қозонга қоқоқ бўлгулик ҳажмдаги кўргазмага қараб, уяли алоқа компанияларининг «чўнтак-боп» тарифларини танлаш имкониятига эгамиз. Қандини уришсин, рекламани ҳам қийиб юборишади: таклиф қилинаётган хизматни эллик қадам наридан ҳам ўқий оласиз. Яқинда кўчада янги бир рекламага кўзим тушди: «5 D видеофилмлари. Янада ёрқин ва сифатли кўзойнақларда!» Ҳайрон бўлганимни сезган ёнимдаги дўстим тушунтира кетди:

«Тараққиёт»

— Махсус телевизор ва унинг диапазонига мос кўзойнақда кино қўйиб беришади. 5 дақиқаси 15 минг сўм. Ўзларининг кинолари бор. Махсус ўриндикқа ўтириб, кўзойнақни тақасан ва фильмдаги лавҳаларнинг «ичига қирасан», худдики улар ёнингда содир бўлаётгандек. Яқинда укам у ерга кириб, қанақадир кўрқинчи кино кўрибди. Қаттиқ кўрққан, шекилли, 3-4 кун ухломмади, алаҳсираб чиқди...

Қизиқ, бу «тараққиёт»нинг бизга, айниқса, ёшларимизга қандай фойдаси бор?! Аввало, вақтимизни мазмунсиз ўтказамиз, онгимизга салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, соғлигимизни издан чиқаради.

Бир танишим: «Ўз мусикалари билан жаҳонни лол қолдирган Моцарт биз билан замондош бўлганида, ўша буюқликка эриша олармида?» деб сўраб қолди. Ҳеч иккиланмасдан «йўқ» дедим. Сабаби оддий: XX асргача телевизор, уяли телефон, компьютер, интернет кабилар бўлмаган. Одамлар бўш вақтини асосан китоб ўқиш ва илм, ҳунар ўрганишга сарфлашган. Ҳозир-чи?! Мақолани тайёрлаш жараёнида кичик бир кузатув олиб бордик: Навоий шаҳридаги энг катта китоб дўконларидан бири бўлган «Шарқ зиёкори» МЧЖнинг вилоят филиалига бир кунда 100 нафарга яқин харидор киради. Уларнинг 7-10 нафаригина ихтиёрий равишда китоб сотиб олиш учун ташриф буюради.

— Дўконимизда 5000 турга яқин адабиётлар бор, — дейди филиал раҳбари Манзура Умарова. — Харидорларимизнинг кўпчилигини талабалар ва катта ёшдагилар ташкил этади. Кутилганидек, улар мажбурият юзасидан асосан илмий адабиётлар харид қилишади. Ихтиёрий равишда китоб сотиб олувчилар эса санокли.

Тумандаги 9-кичик интернет клубга эса (манзилни аниқ кўрсатишни лозим топмадик, бунинг аҳамияти ҳам йўқ) кунига 70 нафардан ортиқ ёш келади ва соатлаб бекор кетган вақти учун пул сарфлайди. Шунингдек, маэкур худудда жойлашган DVD, CD дисклари сотиладиган дўкон мижозларини кузатганимизда, бу ерда ҳар кун 50 дан ортиқ ёшлар дисклар харид қилишига амин бўлдик. Энди ўйлаб кўринг, шаҳарда нечта китоб дўкони бору, нечта интернет клуб ва диск сотиладиган савдо нуқтаси мавжуд?! Нега ёшларимиз 5 дақиқалик аллақандай лавҳага 15 минг сўмни ўйлаб ўтирмасдан сарфлаб юборишади-ю, шу пулга маънавиятни бойитувчи китоб сотиб олишни ҳаёлига келтиришмайди?!

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда ёшларимизни енгил-елпи ҳаётга етакловчи омиллар кўпайиб бораётти. Бу эса уларни фикрий танбалликка одатлантираётти. Айрим ёшларимизнинг хулқ-атворида кўзга ташланаётган салбий хусусиятлар ҳам ўша «тараққиёт»нинг мевасидир. Муаммога ечим топиш эса бу борада жиддий бош қотиришни талаб этади.

Руслан САБУРОВ

Минайхан Жуманазарова 1957 йили Бозатаў туманида туғилган. Қорақалпоқ давлат университети филология факултетида таҳсил олган. Шоиранинг «Элим деб ҳайқирмасанг», «Юрагимда бир дард бор», «Алвидо айтмайман, муҳаббат», «Қалбингизда қолгим келди», «Ҳали мен» каби ўндан зиёд китоблари, «Кетмоқ учун келганман», «Ажаға» танланган асарлар тўплами чоп этилган. Туркияда нашр этилган қорақалпоқ адабиёти антологиясида шоиранинг туркум шеърлари қорақалпоқ ва турк тилларида эълон қилинган. Қорақалпоқистон Ёзувчилар уюшмаси мукофоти соҳибаси. Шоира билан суҳбатимиз юртимизда адабиёт ривожига қаратилаётган эътибор ҳақида борди.



Минайхан
ЖУМАНАЗАРОВА

Ўғил-қизларимга

Фарзандига меҳрдан бўлак
Беролмаган ўзга инъомни,
Фақат шеъри ўзига дарак,
Кечир, болам, шоир онангни.

Очлигим шу, тўқлигим-да шу,
Сабрим шудир, қаноатим шу.
Ўзим қолиб ўзга дардига,
Оҳ чектирган шеърларим учун.

Ёлвормай деб ўзга бировга,
Аямадим пешона терим,
Бераримни қилиб насия,
Ололмасдан кетганим учун.

Ямоқ бўлиб йиртиқ жонимга,
Ўзинг ўйнаб-ўсганинг учун,
Қарздорман, болам, қошингда,
Бу кунларга етганим учун.

Яхши таом, қиммат кийим-бош,
Сенга олиб бера олмадим.
Тингладинг кўнгили куйимни,
Беҳудага шовқин солмадинг.

Сигир соғсам, қатик, сут сотиб
Олар эдинг дафтар-қаламни,
Укангни ҳам ўзинг юпатиб,
Йироқ тутдинг мендан аламни,

Шеър тўлғониб жисму жонимда,
Ўзим билан ўзим қолганда,
Қош-қабогин силаб отангинг,
Оро бўлдинг ўзинг жонимга.

Оналиқда аёлнинг бахти,
Кўзларимда турса-да порлаб,
Кунлар олиб ўтар вақтимни,
Умр ўтар бир зумда зувлаб.

Ўғил-қизим улғайиб бугун,
Уйли-жойли бўлиб кетдингиз,
Онанингизнинг кўтариб юкин,
Сўнмас шодлик инъом этдингиз.

Яқин бўлиб илму ҳикматга,
Ҳаётдан ҳам топдингиз ўрин.
Унуттириб ғамли кунларим,
Ёритдингиз бахтим чироғин.

Фарзандига меҳрдан бўлак
Беролмаган ўзга инъомни,
Фақат шеъри ўзига дарак,
Кечир, болам, шоир онангни.

«Яшин бўлмамай яшай

олмайман»

— Истиклол йилларида эришилган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар кўлами билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Маънавиятимиздаги, адабиётимиздаги янгиланишлар ҳақида нима деган бўлардингиз?

— Истиклол туфайли тарихий ҳақиқат қайта тикланди. Ўтмишга янги кўз билан қарай бошладик. Миллий қадриятларимизга қайта жон ато қилингани мени ҳаммадан кўп қувонтиради. «Халқ душмани» деб ноҳақ жазоланган боболаримиз номлари оқланди. Албатта, бу ўзгаришлар адабиётда ўз аксини топди. Адабиёт қизил сўздан, қиёфасиз қаҳрамон яратилган кутулди. Уларнинг ўрнига буюк ўтмишимиз тасвирланган, ўқувчини фикр-мушоҳадага ундовчи, миллий руҳ билан суғорилган асарлар пайдо бўлди. Тўғри, дастлабки йилларда айрим олдиқочди воқеаларга асосланган, урди-қирдилар тасвирланган китобларнинг бозори чаққон бўлди. Вақт — олий ҳакам, деб бежиз айтилмаган экан. Бундай асарлар ўз-ўзидан четга сурилиб қолди. Кейинги йилларда ўзбек адабиётида ҳам, қорақалпоқ адабиётида ҳам бир-биридан салмоқли, мазмун-моҳияти кенг асарлар яратилаётганидан хурсандман.

— Мустақиллик ижодкорларга эркин сўз айтиш имконини берди. Сиз бундан қандай фойдаланаяпсиз?

— Самарали деб ўйлайман.

Ч у н к и барча китобларим истиклол йилларида ёруғликка

чикди. Мен ёлгон сўздан, хушомаддан йироқ инсонман. Қалбим йиғлаб турган пайтда кўзим кулолмайди. Шунинг учун собиқ тузум даврида ёзган шеърларим мунга ўралган, исёнкорлик руҳида ёзилган эди. Уни чоп қилишга ноширларнинг юраги бетламасди. Энди эса юрагимни тўлқинлантирган барча туйғуларни қоғозга тушираётман. Нашриётлар пешма-пеш китоб қилиб чиқармоқда. Шеърларим ўқувчилар томонидан илқ қарши олинаётир.

Ижодимнинг илк йилларида муҳаббат мавзуидаги шеърлар кўп эди. Ҳозир фалсафий мушоҳадаларга кенг ўрин бераяпман. Ҳар қалай, шеър — кўнгили мулки, кўнгилга эса буйруқ бериб бўлмайди.

— Бугун ижодкорларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлардан кўнглингиз тўладими?

— Албатта. Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган «Ижод фонди» биз, ёзувчи-шоирларга кўрсатилган улкан эътибор намунаси. «Дўрмон» боғининг таъмирдан чиқарилиши, ёзувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилувчи поликлиниканинг фаолият кўрсатиши, ёш қаламкашларнинг илк китоблари фонд кўмагида бепул

чоп этилаётганлиги мени хурсанд қилади. Мен учун яна «Шеърингизни ўқидим» деган эътирофдан улкан рағбат йўқ. Мухлисларим шеърларимдан намуналар ўқиб беришса, илҳомим жўшади, яна ва яна ёзгим келади.

— Жорий сана «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди. Ободлик эса кўнгиладан бошланади. Кўнгили ободлигини таъминлашда адабиётнинг, шеърининг ўрни бекиёс. Сиз шеърингиз илҳомдорларининг кўнгили ободликларини таъминлаш мақсадида қандай янги асарлар яратишни режалаштираяпсиз?

— Тўғри айтасиз, кўнгили обод бўлса, турмуш обод бўлади. Мен ҳам мухлисларим руҳий оламини янада обод қиладиган шеърлар ёзиш ниятидаман. Янги йил остида «Қарақалпоқстан» нашриётида «Ажаға» («Ака») номли танланган асарлар тўплами чоп этилди. Бу ҳам ўзимга, ҳам мухлисларимга байрам тўқаси бўлди. Ўзбек китобхонлари талабига кўра «Яшин бўлмамай яшай олмайман» номли тўплам тайёрладим. Тез кунда мухлисларим кўлига етиб боради.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
суҳбатлашди

Реклама ва эълонлар

«SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси қадам бақадам ошиш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдоларига Бухоро вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармасининг 2012 йил 29 майдаги 4-«а» сонли буйруғи ҳамда Қорақўл туман ҳокимининг 2012 йил 7 апрелдаги 327-сонли қарорига асосан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақўл туман Тинчлик МФЙ ҳудудидан ҳар бири 400 кв.м дан иборат 242 (бош режа бўйича 1 дан- 242 гача сонли) та ер участкасидан сотилмай қолган ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси 375200 сўмдан.

Аукцион савдоси 2013 йил 11 феврал куни соат 11:00 да Бухоро вилоят давлат мулк бошқармаси биносида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 2013 йил 8 феврал куни соат 18:00да тўхтатилади. Мазкур ер участкалари 2013 йил 11 феврал куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдолари орқали сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2013 йилнинг 25 феврал, 4,11,18,25 март ҳамда 8 апрел кунлари соат 11:00да Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилда Бухоро вилоят Давлат мулк бошқармаси биносида бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар бўйича

буюртманомаларни қабул қилишнинг охири муддати савдо кунидан бир кун олдин (яқшанбадан ташқари) тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига!

Савдога қўйилган ер участкалари билан туман ҳокимлиги вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига қатнашиш учун буюртманома, закатат келишуви, закатат пули тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома (нотариал тасдиқланган ишончнома жисмоний шахслар учун) тақдим этилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00дан 18:00гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади. Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «Савдо ташкилотчиси» «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипо-

тека банк Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг аукцион савдоларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қонунбузилиши ҳолатларига доир масалалар юзасидан туман ҳокимликларига ёзма ва телефон орқали, Давлат мулкни бошқариш Бухоро вилоят ҳудудидий бошқармасига (8365) 223-09-00, 223-99-03 телефон рақамига ҳамда Давлат мулкни қўмитасининг (8371) 259-21-37 «Ишонч телефон»ларига мурожаат қилиниши мумкин;

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиши мумкин. «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй. Телефонлар: 8 (365) 223-69-62.

Лицензия RR-0048



Сабзавотчининг юмуши бисёр

Ўтган йили мамлакатимизда сабзавот, полиз, картошка каби озиқ-овқат экинларидан ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Ушбу экинлар ҳосили жорий йилда янада тўкин бўлиши учун сабзавотчиларимиз ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўришлари мақсадга мувофиқ. Жумладан, майдонларни сифатли ҳайдаб, эртаки сабзавотлар — карам, сабзи, кўкат ва картошка экиладиган далаларда эгат олиб қўйишлари зарур. Чунки эрта баҳорда ер етилиши, айниқса, ўтлоқи ерларда қийин бўлиб, экиш муддати чўзилиб кетади, бу ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

Экин майдонларидаги ўсимлик қолдиқлари оддий сеткалик ёки зиг-заг бороналар ёрдамида ташқарига чиқариб ташлангач, паст-баланд жойлар П-4 ёки ПА-3 русумли мосламалар билан текисланади.

Шундан сўнг экин тури учун тавсия этилган фосфор ҳамда калий ўғитлари меъёрининг 70 фоизи микдорда ва ҳар бир гектар майдон учун 20-25 тоннадан чириган маҳаллий ўғит РОУ-6 русумли мослама ёрдамида сепилгач, ПН-3-35 русумли плугда 28-30 см. чуқурликда ҳайдаш, шўрланган ёки ёввойи ўт кўп бўлган майдонларни ПЯ-4-35 русумли плуг билан 35-38 см. чуқурликда икки қатламли ҳайдаш зарур.

Ҳайдалган майдонларнинг маълум қисмини экишга тайёрлаб, совуққа чидамли бўлган сабзи, пиёз, ош лавлаги, кашнич, петрушка ҳамда салат кабиларни тўқсонбости усулида экиш эрта кўкламда энг арзон ва исталган микдорда эртаки сабзавот маҳсулотлари етиштириш имконини беради. Тўқсонбости усулида экилган экинларнинг уруғи жуда барвақт униб чиқади ва тез авж олиб, ўсиб ривожланади.

Уруғ экилган эгат усти чириган маҳаллий ўғит, қипиқ ёки плёнка билан ёпилса сабзи, пиёз, ош лавлаги ҳамда кўкатлар жадал ўсади. Ушбу экинлар ҳосили эрта баҳорда экишга қараганда 28-40 кун олдин етилиб, 15-20 фоиз кўп ҳосил беради.

Аҳолини қишнинг қорлиқировли кунларида ҳам сархил

помидор, бодринг каби маҳсулотлар билан таъминлашда иссиқхоналар муҳим ўрин тутаяди. Айни кунларда иссиқхона соҳибларининг бу борадаги юмушлари талайгина.

Иссиқхоналардаги бодрингни суғориш, шакл бериш, микроэлементлар билан озиқлантириш, касаллик ҳамда зараркунандалар билан зарарланишининг олдини олиш учун Фундазол ва Топаз билан дорилаш лозим. Бундан ташқари, ўсимликларнинг сарғайиб қолган барглари ва «мўйлови» олиб ташлаш, бандларини каноп ипларга ўраб чиқиш талаб этилади.

Иссиқхоналарда кузгиқишқи ҳамда оралик мавсум учун экилган помидорни озиқлантириш, суғориш, мева тугишини тезлаштириш учун ТУ Томатон ёки Полистимулин-2, Ренгулит каби препаратлар билан ишлов бериш керак.

Оралик муддат учун экилган помидорнинг ёнидан ўсган бачки новдалари олиб ташланади. Ўсимлик жуда ўсиб кетмаслиги учун ўсув даври давомида 2-3 марта тортиб тушириб турилиши лозим. Биринчи тушириш декабрда, иккинчиси эса февралда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳосил йиғиштириб олинган иссиқхона албатта дезинфекция қилиниши керак. Одатда дезинфекция олтингургуртли шашкаларни иссиқхона ичида экиш (бунда 1 м³ иссиқхона майдонига 50-100 г.) ёки 1 фоизли формалин билан пуркаш орқали амалга оширилади. Иссиқхона идишлари ва иш куроллари умумий дезинфекция вақтида тозаланади.

Кўчат ўтқазилишидан аввал иссиқхона тупроғи стерилизация қилиниши лозим. Тупроқни термик (иссиқ буғ таъсирида) ёки кимёвий усулда стерилизация қилиш мумкин. Кимёвий стерилизацияда тупроққа формалин эритмаси (40 фоизли 1 литр формалин 10 л. сувга аралаштирилади) билан ишлов берилади. Бунда 1 м² тупроққа 10-15 л. ишчи эритма сарфланади.

Кўчат тайёрлашда қуйидаги тупроқ аралашмалари қўлланилади:

1. Гўннга 15 — 20 фоиз шולי шелухаси ёки чириган қипиқ солинган аралашма.

2. Чиринди (60 фоиз), чириган гўнг (30 фоиз), дала тупроғи (10 фоиз) ва шולי шелухаси ёки чириган қипиқдан иборат аралашма.

3. Компост. Торф (50 фоиз), чириган гўнг (20 фоиз) + 1 м³ га 7,5 кг. суперфосфат қўшиб солинади.

Помидор кўчатлари учун тайёрланадиган озиқали аралашма 1 м³ га 1,5 кг. аммиакли селитра ва 3 кг. суперфосфат, бодринг учун шунга кўра 0,8 ва 1 кг. минерал ўғитлар солинади. Помидор кўчатларини 8x8 см. бодринг кўчатларини эса 10x10 см. ўлчамдаги тувакчаларда етиштириш тавсия қилинади.

Экишдан олдин уруғлар 16 соат давомида ивителиди, сўнг қуритилади. Бодринг уруғларидан 0,5 см. ўлчамдаги майсалар чиққунча, помидор уруғларида эса ниш пайдо бўлгунга қадар ўстирилади ва тувакчаларга экилади.

Қишқи-баҳорги мавсумда бодрингнинг 4-5 чинбарг чиқарган 25-30 кунлик кўчатлари 10 январдан то 10 февралгача иссиқхоналарга экилади. Уруғлар униб чиққандан сўнг 2-3 кун давомида ҳарорат 18°C бўлиши керак. Кўчатлар ҳар ҳафтада 2 мартадан илиқ сув билан суғорилади. Бунда ҳавонинг нисбий намлиги 65-85 фоиздан ошиб кетмаслиги зарур.

Кундузи ҳарорат 25-30, кечқурун 18-20°C даражада ушлаб турилади. Ўсиши давомида кўчатлар 2-3 марта маҳсус ўғит — Кемира билан 10 л. сувга 15 г. ҳисобида озиқлантирилади.

Кўчатлар доимий жойга

экилишидан аввал иссиқхонада эгатлар тортилиб, ҳар бир эгатда 10 см. ли чуқурчалар очилади. Улар ичига илиқ сув солиниб, сув тупроққа сингиб кетмасдан, бодринг кўчатлари экилади. Сўнг ариқлар орқали яхшилаб суғорилади. Экиш схемаси — 80x40; 80x50 см.

Юртимизда бодрингнинг асосан қуйидаги нав ва дарагайлари экилади: F1 Орзу, F1 Пассандра, F1 Мультистар.

Иссиқхоналарда етиштиришга мўлжалланган помидорнинг қуйидаги нав ва дарагайлари районлаштирилган: F1 Белле, F1 Виласко,

лар билан галма-галдан озиқлантирилади. Шундан сўнг барглариға микроэлементлар эритмаси билан ишлов берилса, самараси яхши бўлади. Ўсимлик гуллари тўлиқ чангланиб мева тугиши учун ТУ — ўсув стимуляторини қўллаш керак (10-13 л. сувга 1 та таблетка). Ушбу эритма энди очилаётган помидор гуллариға пуркалади. Бундай ишлов берилган гуллар тез мева тугади ва ҳосилдорлик бир неча баробар ошади.

Помидорнинг кенг тарқалган касалликлари қуйидагилар: кўнғир доғ касаллиги, стрик, ТВМ, меваларнинг

кулранг чириш касаллиги.

Помидор ўсимликларига 10-15 кун оралатиб (3-4 марта) Фоликур, Фоликон (10 л. сувга 5-8 г.), Ридомил голд (10 л. сувга 10 г.), Байлетон (10 л. сувга 8 г.) каби препаратлар эритмалари билан ишлов берилганда замбуруғли касалликлар пайдо бўлишининг олди олинади.

ТВМ (тамаки вирусли мозаика) касаллигининг олдини олиш учун ўсимликлар метилен кўкининг 0,03 фоизи (10 л. сувга 3 г.) эритмаси билан 5 кун оралатиб 3 марта ишлов берилиши тавсия қилинади.

Стрик касаллигига чидамлигини ошириш учун барг орқали қуйидаги микроэлементли аралашма сепилиши керак: 10 л. сувга марганец сульфат — 4 г. мис купориси — 2 г. борат кислота — 2 г. рух сульфат — 2 г. ушбу микроэлементлар аралашмасига алоҳида 1 л. сувга эритилган 25 г. темир оксалат тузи ва 10 фоизли ёгсиз сут аралаштирилади.

Биринчи марта кўчатлар доимий жойга ўтқазилгандан сўнг ҳар 10 кунда ишлов бериб турилади.

Иссиқхоналарда зараркунандалардан шира, ўргимчак кана, занг кана, оққанот, минёр пашшаси кўпроқ зарар келтиради. Уларга қарши курашда Вертимек (10 л. сувга 3-5 г.), Моспилан + Апплауд аралашмаси (10 л. сувга 5 г. + 5 г.) препаратларини қўллаш тавсия этилади.

**Б.АЗИМОВ,
Р. ҲАКИМОВ, Э.ЛЯН**

Қиш ҳам иш фасли

Боғ ва узумзорларда асосий агротехник тадбирлар ўз муддатида ва сифатли амалга оширилса, халқимиз дастурхони мева-чева маҳсулотлари билан янада тўкин бўлади. Боғ-роғларда қиш ойлари, хусусан, январда бажариладиган агротехник тадбирларнинг аҳамияти катта. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

- дарахт шохларидаги қорни силкиб тушириш (ёққан қор шохларни синдирмаслиги учун);
- ҳаво ҳарорати +5°C дан юқори бўлганда — олма, нок, беҳи дарахтларини синган шох-шабба, пўстлоқ ва зараркунанда тухумларидан тозалаш;
- гўнг, минерал ўғит ва кимёвий дорилар захирасини яратиш;
- дарахтларнинг ҳолатини кўздан кечириш;
- боғдорчилик мутахассислари малакасини ошириш;
- суғориш шохобчаларини тозалаш ва кўприкларни тузатиш;
- қишлоқ хўжалик машиналари, агрегатлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва тайёрлаш;
- янги боғ режасини тузиш.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг agro.uz сайти материаллари асосида тайёрланди



Футбол — дунёнинг барча қитъасида сеvimли ўйин. Ҳатто Антарктидада ҳам. Ҳа, ҳа, янглишмадик. Яқинда жаҳон ОАВда шундай маълумот яшин тезлигида тарқалди: «Муз ўлка»га экспедиция уюштирган бир гуруҳ олим пингвинларга футбол ўйнашни ўргатишибди. Яшавор-эй, шоввозлар!

209 мамлакат футбол федерациясини бирлаштирган Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (FIFA) томонидан йилнинг энг яхшиларини тақдирлаш маросими ҳам зўр тантана билан ўтказилди.

Сабаби аён: 2012 йилда футбол оламида юзлаб рекордлар янгиланди, минглаб чиройли голлар киритилди. Янги номлар, иқтидорлар кашф этилди.

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ташкил этилган «FIFA Ballon D'OR — 2012» тақдирлаш маросими, табиийки, кимларнидир қувонтирган бўлса, кимларнидир ранжитди. Куйида ушбу маросим ва унинг теварагида кечган воқеалар, фикр-мулоҳазалар ҳақида сўз юритамиз.

Ўзбек ҳалол ўйнайди

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, «Балиқ йили» ўзбек футбол учун жуда кўплаб ютуқларни тақдим этди. Ўзбекистон футбол федерациясининг Осиё футбол конфедерацияси томонидан «Fair Play» («Ҳалол ўйин») номинациясини қўлга киритиши, ёшлар ва ўсмирларимизнинг қитъа миқёсидаги ютуқлари, Жаҳон чемпионати йўлланмаларининг қўлга киритилиши, «Бунёдкор» спорт мажмуасининг очилиши, миллий терма жамоамиз ва клубларимизнинг халқаро майдонлардаги ғалабали одимлари барчамизни хурсанд қилди.

Цюрихдаги тақдирлаш маросими ҳам бизнинг ёдимизда қоладиган бўлди. Сабабки, шу кунга ўзбек футбол учун яна бир қарра халқаро эътирофга сазовор бўлди. FIFA томонидан 1987 йилда ташкил этилган «Fair Play» («Ҳалол ўйин») соврини беллашувларни ҳалол ўтказиш, чиройли ўйин, рақиб жамоа футболчилари ва ҳакамларга нисбатан ҳурмат, мухлислар маданияти, футболчиларнинг ўйин чоғида ва майдон ташқарида ўзини тутиши, қизил ва сариқ карточкалар сони каби қатор тамойиллар бўйича кўп очко жамғарган юрт федерациясига тақдим этилади. Бу йил ушбу совринга Ўзбекистон ва Гватемала футбол федерациялари ҳамда Туркиянинг «Эскишехирспор» клуби номзод қилиб кўрсатилган эди.

Мамлакатимиз терма жамоалари ва профессионал футбол клубларининг халқаро майдонларда ҳалол ўйин тамойиллари бўйича энг кўп — 498,84 очко жамғаргани инобатга олинган ҳолда ушбу нуфузли соврин Ўзбекистон футбол федерациясига топширилди. Мукофотни федерация президенти Мираброр Усмонов FIFA вице-президенти шахзода Али Бин ал-Хусайндан қабул қилиб олди.

Шу муносабат билан Мираброр Усмонов FIFA расмий сайти (FIFA.com)га интервью берди.

— Тўғриси айтсам, бир неча йилдан бери қилаётган ишларимиз энди-энди ўз мевасини бера бошлади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов доимо бизни қўллаб-қувватламоқда. Натижада биз катта инвестицияга эга бўлдик ва унинг улкан қисмини ёшлар ҳамда ўсмирлар футболлига йўналтираямиз.

Биз ишни, аввало, терма жамоалар, айниқса, ўсмирлар ва ёшлар учун шароитларни яхшилашдан бошладик. Янги футбол мактаблари, академиялар ташкил қилдик, стадионлар қурилди ва таъмирдан чиқарилди, ҳуллас, футбол инфратузилмаси мустаҳкамланди.

Шунингдек, терма жамоалар учун янги имкониятлар яратиш мақсадида ўз бизнес-режамизни бошқатдан ишлаб чиқдик. Футболчиларимиз халқаро тажрибага эга бўлишлари учун терма жамоаларга хориз

йиғинлари ташкил қилдик. Миллий чемпионатимизда ҳам бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Тўғри йўлдан кетаётганимиздан хурсандман.

Кўпроқ иқтидорли футболчиларни етказиб бераётган клубларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистонда футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, унга мамлакат Бош вазири раҳбарлик қилади.

Ҳозирги кунда барча клублар терма жамоаларимизга футболчилар етказиб беришга ҳаракат қилишаётир. Яхши натижаларни қўлга киритган ёшларни, футболчиларни, мураббийларни мукофотлаш ва ислохотларни амалга оширишда биз мазкур фондга суянамиз.

Ўсмирлар терма жамоамиз Мексикадаги иштироки орқали исботладики, агар меҳнат қилинса, ҳар қандай жамоа муваффақиятга эришиши мумкин. Бу сўнги 8 йил ичида ўзбекистонлик ўсмирлар қўлга киритган улкан совға бўлди. Осиё чемпионлигини қўлга киритган ўсмирлар терма жамоамиз камида Жаҳон чемпионатининг плей-офф босқичига чиқиши лозим.

Миллий терма жамоамиз Қатар ва Эрон устидан ғалаба қозониб, 2014 йилги Жаҳон

Перси, Германия терма жамоаси аъзолари Месут Ўзил ва Филип Лам, франциялик тезкор қанот ярим ҳимоячиси Франк Рибери... Хуллас, бу рўйхатни яна хоҳлаганча давом эттириш мумкин. Ниятимиз эса келгусида тузиладиган йилнинг рамзий терма жамоаси таркибиде ўзбек футболчилари ҳам киритилишини кўриш!

Ҳеч ким эсдан чиқмади

Тақдирлаш маросимида яна бир неча номинациялар бўйича голиблар номи эълон қилинди.

«Аёллар жамоасининг энг яхши мураббийи» деб АҚШ терма жамоаси мураббийи, швейцариялик Пиа Сундхаге топилди. Унга совринни бир вақтлар «Бунёдкор» клубида бош мураббийлик қилган, ҳозирда Бразилия терма жамоаси устози Луис Фелипе Сколари топширди. Сундхаге 2012 йилда АҚШ олимпия терма жамоаси билан Лондонда олтин медалларни қўлга киритган эди.

«Энг яхши эркаклар жамоаси мураббийи» дея Испания миллий терма жамоаси бош мураббийи Висенте дел Боске эътироф этилди. У раҳбарлик қилган испанияликлар Европа чемпионатида шохсупанинг энг юқориси-

«Барселона» ўртасидаги қарама-қаршилик аланга олганига анча бўлди. Бири биридан кам бўлмаган Месси ва Роналдунинг нафақат клублари, балки шахсий кўрсаткичлар бўйича ҳам пойгаси дунё футбол мухлисларининг доимо диққат марказида. Сўнги йилларда бу мавзу туфайли, ҳатто мухлислар икки тарафга бўлиниб ҳам кетишди.

2009, 2010, 2011 йилларда Лионел Месси йилнинг энг яхши футболчиси сифатида «Олтин тўп» соҳибига айланганди.

2012 йилнинг «Олтин тўп»и кимга насиб қилиши борасидаги баҳслар ҳам сўнги сонияларгача давом этди. Яна бош совринни Аргентина миллий терма жамоаси ва «Барселона» клуби ҳужумчиси Лионел Месси илиб кетди.

— Бу мукофотни қўлга киритиш жудаям ёқимли, айниқса, қаторасига тўрт марта. Ҳатто бу саҳнага чиқиш бироз ноқулай ҳам. Бу совринни менга катта ёрдам берган Аргентина ва «Барселона»даги жамоадошларимга бағишлайман. Андрес Инестага эса алоҳида айтаман: сен билан бир жамоада тўп сураётганим ва машғулотларда қатнашаётганимдан жудаям бахтиёрман. Ёнимдаги барчага, мураббийлар, жамоадошларим, клуб ва терма жамоа ходимларига ва албатта, турмуш ўртоғим ва ўғлимга раҳмат айтаман, — деди Месси.

25 ёшли футболчи бу мукофотни тўртинчи марта ўзиники қилди. Натижада, ўз даврининг моҳир футболчилари

Мишел Платини (Франция), Марко ван Бастен (Голландия), Йоҳан Круиффлардан ўтиб кетди. Бу афсонавий футболчилар ўз вақтида «Олтин тўп»га уч мартадан эгалик қилган. Роналду эса соврин эгасини топгандан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай Конгресс Холли тарк этди.

Голиб шаънига

Биз футбол оламида ўз ўрнига эга футболчи ва мутахассисларнинг Лионел Месси ҳақидаги айрим фикрларини келтиришни лозим топдик.

Диего Марадона, афсонавий футболчи:

— Месси фантастик футболчи! Баъзан тўп танасининг бир бўлаги бўлса керак деб ўйлаб қоламан. Худого шукр қиламанки, у аргентиналик.

Герд Мюллер, германиялик машҳур ҳужумчи:

— Месси — такрорланмас ўйинчи, ҳақиқий гигант. Лекин битта камчилиги бор — у «Бавария» учун ўйнамайди.

Антонин Паненка, 1976 йилги Европа чемпиони:

— У вақтдан олдинга ўтиб кетган. Месси келажақдан келган футболчи.

Хосеп Гвардиола, «Барселона»нинг собиқ бош мураббийи:

— Агар Лионел бўлмаганда, мен иккинчи дивизионда ишлаб юрган бўлардим.

Лионел Месси, ўзи ва футбол ҳақида:

— Мен футболни бепул ҳам ўйнаган бўлардим.

Нима ҳам дердик: футболдан завқланишдан тўхтаманг, қадрли мухлислар!

Адхам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Балиқ йили»нинг «наҳанг»лари



чемпионати йўлланмаси учун имкониятларини оширди. Лекин бошқа жамоалар ҳам ҳали умиддан маҳрум бўлмаган. Шунинг учун гуруҳимизда чигал вазият юзага келган. Март ойида Ливанни қабул қилганимиздан кейин, июн ойида ҳал қилувчи баҳслар бошланади. Сўнги турларда биз Жанубий Корея меҳмони бўлиб, Қатарни қабул қиламиз. Биз учала баҳсда ҳам ғалаба қозонишимиз лозим.

Ўзимиз учун янги тарих яратиш вақти келди. Бундай муваффақиятга бизнинг халқимиз ва мустақил Ўзбекистон давлати муносиб, — деди Мираброр Усмонов.

Йилнинг рамзий терма жамоаси

Анъанага кўра ташкилотчилар томонидан йилнинг рамзий терма жамоаси эълон қилинди. Унинг таркибига ҳозирда майдоннинг ҳар бир чизигида тўп сураётган энг кучли футболчилар киритилди.

Қизиги, бу йил рамзий терма жамоа сафиде фақат Испания чемпионатида тўп сураётган футболчилар жамланди. Уларнинг бештаси «Барселона», яна шунчаси «Реал» таркибиде ҳаракат қилади. «Атлетико Мадрид» клубидан битта вакил бор.

Демак, улар билан танишинг. Дарвозабон: Икер Касильяс («Реал», Испания); ҳимоячилар: Даниэл Алвеш («Барселона», Бразилия), Херар Пике («Барселона», Испания), Серхио Рамос («Реал», Испания), Марсело («Реал», Бразилия); ярим ҳимоячилар: Хаби Алонсо («Реал», Испания), Хави («Барселона», Испания), Андрес Инеста («Барселона», Аргентина); ҳужумчилар: Радамел Фалкао («Атлетико», Колумбия), Криштиану Роналду («Реал», Португалия).

Албатта, бу жамоа таркибига киришга лойиқ яна ўнлаб футболчилар бор. Масалан, ўзининг ёмон хулқи билан ном чиқарган бўлса-да, лекин ажойиб футболчи сифатида эътироф этилган Златан Иброхимович, узоқ йиллардан бери бир текис ўйин намойиш этиб келаётган италиялик Андреа Пирло, «Манчестер Юнайтед» клубининг юрагига айланиб бораётган «учар голланд» Робен ван

ни банд этганди.

FIFA президентининг махсус мукофоти бу йил германиялик афсонавий футболчи Франц Беркенбауэрга насиб этди. Германиялик мутахассис футболчи ва мураббий сифатида кўплаб совринларни қўлга киритгани, футбол ривожига улкан ҳисса қўшгани FIFA президенти Зепп Блаттер томонидан алоҳида таъкидланди.

Франц Пушкеш номидаги «Йилнинг энг чиройли голи» номинациясида «Фенербахче» футболчиси Мирослав Стох (Словакия)нинг «Генчлербирлиги» дарвозасига урган голи 2012 йилнинг энг чиройли голи дея эълон қилинди.

Йил лауреатларини тақдирлаш маросимининг навбатдаги «Йилнинг энг яхши футболчи аёли» номинациясида АҚШ олимпия терма жамоаси аъзоси, Лондон Олимпиадасида 5 та гол уришга муваффақ бўлган Эбби Умба голибликни қўлга киритди.

Мессими, Роналду?

Бу икки футболчини солиштиришнинг ўзи ортиқча. «Реал» ва




Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашининг 2012 йил 14 декабрдаги навбатдан ташқари конференциясининг қарорига биноан тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашининг фаолияти тугатилди.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти газеталаримизнинг таҳрир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Аҳмедовга укаси **Рустамбек АҲМАДКУЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси

*Ўз ҳаётини она Ватанин ҳимоя
қилишда мурқадда
ва амриятини вақидан бақиллаш
барча кўришларимизни
амалга ошириш
ҳаётини қўриқ саба —
Қуролли Кучларимиз
билан ёнмаётгани
Эл йили ва Ватан
ҳимоялари куни билан тинч
қалбдан салғий
муборакбод этади.*




Масъулияти чекланган жамият қошидаги «Бекобод шифер» хорижий корхонаси касаба уюшма қўмитаси



**Эл осойишталиги
йўлида олий ва
шарафли бурчини
бажараётган жасур
ўғлонларимизни
Қуролли Кучларимиз
ташқил этилганининг
21 йиллиги ҳамда
Ватан ҳимоячилари
куни билан қизғин
қутлайди.**





«ЙИЛИМИЗ МАЗМУНИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

МУАММОНОМА Аввало куйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг. Сўнг шакл атрофидаги рақамларни калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммонгани ҳал этинг. Бунда улардан Президентимизнинг ибратли сўзларини билиб олишга муваффақ бўласиз.


- Калит сўзлар:** 1. Адо этилиши мажбурий бўлган, инсоний вазифа — 11, 8, 9, 18.
 2. Девор ёки иморат айланасига тишга ўхшатиб ишланган меъморий безак — 4, 8, 5, 15, 8, 9, 1.
 3. Тиббиётнинг инсон организмга ташқи муҳитнинг турли омиллари таъсирини ўрганиб, шу асосда касалликларни олдини олиш, соғлиқни сақлаш чоралари ва қондаларни ишлаб чиқувчи соҳаси — 15, 2, 15, 2, 19, 5, 1.
 4. Даволаш муассасаси — 21, 2, 24, 6, 23, 6, 5, 1.
 5. Элга — ватанга бўлган ҳурмат-эътибор туйғуси ифодаси — 25, 13, 22, 6, 13.
 6. Қадимда баланд, баҳаво қилиб солинган энгил иморат — 4, 14, 21, 4.
 7. Серхашам ўйма нақш — 27, 2, 12, 27, 2, 12, 1.
 8. Қадимда бир неча маҳаллани ўз ичига олган маъмурий-худудий бир-

- лик — 7, 1, 28, 1.
 9. Инсонга завқ, ҳузур бағишловчи ҳолат — 20, 26, 2, 12, 3, 2.
 10. Маҳсулотлар билан таъминлаш, айрибошлаш соҳаси — 16, 1, 17, 7, 6.
 11. Куннинг мусаффо пайти — 10, 6, 5, 15.
КРОССВОРД: О) **Занжир ҳолида:** 1. Кўркам, гўзал ва қулай маскан барпо этиш фаолияти. 2. Катта хизмат, истеъдод, одамлилик эвазига қозонилган обрў, довруқ. 3. Тараққиёт ва мўл-кўлчилик асоси, халқларнинг азалий орзуси. 4. Дунёда энг оммалашган санъатлардан бири.
 В) **Энига:** 5. Мақолдан: «... — тилакда эмас, билакда». 6. Кам учрайдиган, қимматли нарса. 9. Бирор вазифани амалга оширишга тезкор берилиш, интилиш ҳолати.
 Бўйига: 5. Мевазор ва гулзор масканлар бунёдкори. 6. Ўйиб ёки бўёқ билан миллий безак, гул ишловчи санъаткор уста. 7. Вазифани амалга оширишда риоя қилинадиган маълум изчиллик, режа, қонун-қоида ва уларга жавоб берадиган ҳолат. 8. Мангу, умрбоқий.
 О) **Занжир ҳолида:** 10. Бинонинг олд томонидаги, пештоқ ва устунлар билан безатилган қисми. 11. Истиқлол йилларида ватанимизда рўёбга чиқётган азалий урф-одатларимиз. 12. Қишлоқ меҳнаткашларининг их-

- тиёридаги, уларнинг ҳовли-жойи ёнидаги ер майдони. 13. Замонавий эшик-ром маркаси. 14. Байрам олди куни. 15. Ижодкор маҳсули.
 Д) 16. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг ривож топиб бораётган транспорт, алоқа йўллари ва шаҳар хўжалиги ер ёсти тармоқлари мажмуи. 17. Ҳикматдан: «... қил, дарёга от, Балиқ билар, балиқ бил-маса, Холиқ билар». 18. Маҳсулот ишлаб чиқаришни корхоналар буюрт-маси асосида хонадонда ташкил этиш.
 Т) **Энига:** 19. Мақолдан: «Булбул 18, 1, 12, 1, 5 ин севар, одам — ватанин».
 Бўйига: 20. Обод турмушни бунёд этишда аҳамият касб этувчи ўз ўзини бошқариш ташкилоти. 21. Ҳаётда қарор топган урф-одатлар мажмуи.
 У) **Занжир ҳолида:** 22. Ўзига мустақил ҳар бир оилага хос хўжалик. 23. Ҳузур-ҳаловат, тинч ва фаровон ҳаёт. 24. Бирор муносабат билан шодийна тарзда ўтказиладиган маросим. 25. Ота-бобо ва унинг насли, сулола. 26. Дастурхонимиз ноз-неъматлари бунёдори.
 Р) 27. Дала меҳнаткашларининг ёзлик оромгоҳи. 28. Ташқи қиёфадаги гўзаллик, кўркамлик. 29. Ишлаб чиқаришни ёки бошқа фаолиятни ташкил этувчи, молиялаштирувчи, тижорат ёки саноат корхоналарини фойда олиш бошқарувчи шахс, мулкдор. 30.

- Тараққиёт, равнақ.
 М) **Бўйига:** 31. Бадий тўқимачилик буюми, хона жиҳози. 32. Инсоннинг ўзгаларга бўлган самимий муносабатда бўлиш туйғуси. 33. Бирор нарсага асос солувчи, барпо этувчи.
Диагонал бўйича: 31. Қишлоқ ёки маҳаллаларнинг чорраҳаларида жойлашган, чойхона, қассоблик, дўконлари бўлган гавжум макон. 33. Савдо-сотик маскани.
 У) **Занжир ҳолида:** 34. Ноз-неъматлар сероблиги. 35. Ҳикматдан: «... бор жойда барака-ю, хотиржамлик бор». 36. Ҳашаматли кўркам бино. 37. Маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи инсонлар мажмуи. 38. Муайян сабабларга кўра айрим шахслар ёки ташкилотларга бериладиган ҳуқуқ, алоҳида шароит, энгиллик.
 С) 39. Сарф-харажатда тежамкорлик. 40. Мақолдан: «Унумли меҳнат катта ...». 41. Ўртага ёзиб, устига егуликлар билан безатиладиган рўзгор буюми. 42. Кам топиладиган, қимматбаҳо нарса.
 Н) **Энига:** 44. Мақолдан: «Яхши ... ёрти мол».
 Бўйига: 43. Оила аъзолари яшаб турган хўжалик, уй, ҳовли. 44. Йирик баргли, кўркам очиладиган оқ тусли сув гули. 45. Ўзгаларга амалга оширилган ҳиммат, диққат-эътибор. 45. Масофадан туриб сўзлашиш воситаси.

Фозилжон ОРИПОВ

 <p>Муассис: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p>	<p>Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov</p>	<p>2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida O'116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2030-5000</p>	<p>Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.</p>	<p>Manziligimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy</p>	<p>Navbatchi muharrir: A. Abdullayev</p>	<p>Gazeta «Ishonchning kompyuter markasida tizimli va sifatli. Sahifalovchi: H. Abdullayev»</p>
	<p>Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'Indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).</p>	<p>Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 99890 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 91 131-61-55; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01.</p>	<p>Nashr ko'rsatkichi: 133</p>	<p>Nashr ko'rsatkichi: 133</p>	<p>Navbatchi muharrir: U. Ibrodinov Musahhih S. Shodiyeva</p>	<p>Gazeta haftaning senbatini payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.</p>